



ЯВДАТ ИЛЁСОВ
СУҒДИЁНА


**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1994**



ALBERT EINSTEIN
PHOTOGRAPHED
AT THE
1921 - 1922

ЯВДАТ ИЛЁСОВ

СУҒДИЁНА



ТАРИХИЙ РОМАН

«ШАРҚ» НАШРИЕТ-МАТВАА
КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1994

Русчадан
МАЪРУФ ЖАЛИЛ
таржимаси

Илёсов, Явдат.
И 38 Суғдиёна: Тарихий роман (Русчадан
М. Жалил тарж.).— Т.: Шарқ, 1994. 286 б.

Искандар Зулқарнайн Доро қўшинларини тор-мор келтириш билан чекланмай, Шарққа юришини давом эттиradi. Бу юришини «халоскорлик» деган сўз билан ниқоблайди. Мазлум халқлар аввалига бу сўзга ишонадилар, бироқ ниқоб йиртилади. Суғдиёна халқи баҳодир йўлбошчи Спантамаъно атрофига уюшиб, ватан озодлиги учун чөл эл босқинчиларига қарши қаҳрамонларча кураш бошлайдилар...

Ўз 2

© «Китоб беағи, «Шарқ»
нашриёт-матбаа концерни.
нинг Бош таҳририяти,
1994.

МУҚАДДИМА

КАТАНЛИК КАМПИР

Эй тошбақа. Тошинг ичра не

қилмоқдасан?

Мен жун ўриб, тўқияпман Милет матосин.

Айт-чи, сенинг аждодларинг қандай

ўлганлар?

Оппоқ отдан ўзларини сувга отганлар.

(Афиналик қизлар айтишуви)

Бу кампир бутун Катан аҳлига маълум эди. Юнон хотинларининг фикрича бу ерга у қайсидир шарқ мамлакатидан келиб қолган. Осиёлик аёлнинг ҳақиқий отини ҳеч ким билмасди. Тошбақа лақаби тилга олинса тиланчи ўгирилиб қарарди.

Тошбақа ҳар тонг ажинли бўйнини чўзиб, беўх-шов, қийшиқ оёқларини зўр-базўр судраб ёпиқ дарвозалар олдида уймаланар ва ғамгин, хирилдоқ овоз билан бир бурда нон сўраб узоқ нола қиларди. Аммо кўпинча тиланчи кампирни нон ўрнига таёқ билан сийлашарди. Болалар унинг орқасидан мева қолдиқларини отишар эди. Итлар бусиз ҳам илматешик бўлиб кетган катак яктаги этакларини узиб оларди. Кампир дўқ-пўписаларга жавобан хушомад қилгандай жилмаяр, чунки унинг қорни оч эди.

У кўп йиллардан бери бу денгиз бўйидаги бегона шаҳарнинг тош ётқизилган кўчаларида дайдиб юрар, калтак ва ҳақоратларга итоат билан чидаб келарди. Аммо баъзан, хусусан Шарқ шамоли эсганда унда кескин ўзгариш юз берарди. Тошбақа денгиз қўлтиғига бориб, тошдай қотар, кўпикланиб, ҳайқириб қирғоққа урилаётган тўлқинлардан кўз узмай бир, икки, ўн соатлаб турарди. Уй-жойсиз бу кампирнинг кўзларида даҳшатли бир нур чақнарди; ҳассасини ҳар ён чайқатиб, Жанубнинг ғазабкор қуёши, бепоён қумликлари, унда юрадиган икки ўрқачли баҳайбат махлуқлар галаси, сўнмас гулханлар атрофидаги муқаддас рақслар ҳақидаги ҳикоясини бошлар, шундай чоқларда мункиллаб қолган бу кампир овози унинг узоқдаги ватанида яшовчи қоплонлар овозига ўхшаб кетарди.

У қўрқинчли қиргинлар, қувғинлар ва пистирма-
лар ҳақида ҳикоя қиларди. Даҳшатли Эрон шоҳла-
рининг номларини лоқайдгина тилга оларди. У буюк
одамнинг хотини булганман деб таъкидларди. Лекин
ҳеч ким бунга ишонмасди.

Кампир эса тўғри гапираётган эди.

БИРИНЧИ КИТОБ

ТАНГРИ АММОН ЎҒЛИ ШАМОЛ, НОН ВА УМИД

*Ота-бола, бола ота-ла
чиқиша олмас.
Дўст дўстига бегона бўлди,
меҳмонга — мезбон.
Ака-укада йўқ меҳр-оқибат,
Бўлмас ҳам энди.*

Гесиод, «Меҳнат ва кунлар»

Перикл замони Афинанинг гуллаб-яшнаган даври эди.

Шубҳасиз, Перикл ўртаҳол фуқароларга суянади. Лекин давлат ўз меҳр-шафқатини энг қашшоқлардан ҳам дариг тутмас: эшкакчи ва аскарларга маош тўлар, ишсизларни иш билан таъминлар, очларга нон, ерсизларга ер берар эди. Ҳамма ерда — устахона, қурилиш ва далаларда қуллар меҳнат қилар, шунинг учун эркин одамларнинг бўш вақти кўп эди. Улар билим олар, бутун мавжудот олами сирларидан воқиф бўлар, юлдузлар ҳаракатини кузатар, қуёш тугилишини олдиндан айтиб берар, кенгликларни ўлчар, калисо ва қасрларни безатар эди. Аттика қудратли давлатга айланди; у кўпчилик юнон давлатлари иттифоқига бош бўлди ва Эгей денгизидаги ҳамма савдо йўлларини ўз қўлига олди.

Афиналиклар шон-шуҳратининг сўнги йўқдай туюларди. Бироқ жанубда — Пелопоннес томонда, уфқда тўпланаётган булут сингари, республикага душман бўлган давлат етилиб, кучга тўлмоқда эди. Бу бўлиниб кетган Эллададаги куч-қудрат жиҳатидан иккинчи давлат — Спарта эди. Илиқ шамоллар тароват бергувчи Пелопоннес ярим ороли илгари Ахей қабиласи уруғларига тегишли эди. Сўнгра Эпирдан бу ерга дорийлар ёпирилиб келдилар. Улар ахейларни енгиб, энсиз, аммо серҳосил Эврот водийсини

эгаллаб олдилар ва Спартага асос солдилар. Ҳар бир спарталиқ жирканиб илот, яъни «асирга олинган» деб атайдиган ахей — қул ҳисобига кун кечира бошлади. Ахейлар ғафлатда қолдирмаслиги учун ғолиблар маҳкам жипслашган жамоа бўлиб яшардилар. Спарталиқлар экин-тикин билан ҳам, савдосотиқ билан ҳам, касб-ҳунар ва илм-фан билан ҳам шуғулланмас эдилар. Улар ов қилмаганда жангга борар, жангга бормаганида эса овга чиқар ёки сифарга ҳозирлик кўрардилар. Спарталиқлар подшо ва Оқсоқоллар кенгашига итоат қилар эдилар.

Илотлар Афина халқига эргашиб, бойларни бадарга қилиб, ўз ҳокимиятларини ўрнатмоқчи бўлганлиги учун Спартанинг республикани кўришга кўзи йўқ, Афинага ҳасад қилар, унинг куч-қудратидан кўрқарди. Спарта элчиларни мамлакат бўйлаб ҳалаканинг итидай югурар, зодагонлар давлатларининг подшоларини умумий душманга қарши бирлашишга даъват қиларди. Икки юнон иттифоқи шу йўсинда вужудга келди. Коринф, Мегара, Сиракуз, Тарент шаҳарлари, Халкида ярим ороли, Беотия Пелопоннес томонга ўтди. Лемнос, Эвбей, Киклад, Спорад, Лесбос ороллари, Милет, Эпидамн, Кротон, Мессена шаҳарлари ва Фессалия эса Афина денгиз давлати томонда майдонга чиқди.

Беомон жанг бошланиб кетди.

Қирғинбарон жанглардан кейин Спарта ғалаба қозонди. Республика томонидан ўйламасдан қарам халқ ҳолатига тушириб қўйилган иттифоқчиларнинг хиёнати, қашшоқ қишлоқликлар эҳтиёжига менсимай қараш натижасида пойтахт аҳолисига нисбатан уйғонган нафрат туйғуси, душман томонга йигирма минглаб қочиб ўтган қуллар қасоси — буларнинг ҳаммаси афиналикларнинг жангда енгилишига сабаб бўлди. Улардан ўн икки қўриқчи кемадан ташқари бутун флотни топширишга, мудофаа иншоотларини бузиб ташлашга, денгиз иттифоқини тарқатиб юборишга, халқ ҳокимиятини бекор қилишга мажбур эдилар.

Уруш! У фақат Аттика ва Спартагагина эмас, бутун Элладага юзлаб ва минглаб кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кулфатлар келтирди. Илгари ҳеч қачон юнонлар бу қадар кўп уйларни вайрон, бу қадар кўп одамни қурбон қилмаган эдилар. Бунинг устига мисли кўрилмаган зилзила юз берди. Душ-

ман ҳужумларидан омон қолган экинзорларни қур-
ғоқчилик хазон қилди. Очлик мамлакат силласини
қуритар, вабо унғ-сулига қарамай ютарди. Уруш ту-
файли бойиб кетган ижарахўрлар ва ғаллафуруш-
лар ер сотиб олар ва ўзларига қасрлар қурдиришар-
ди. Камбағалда эса сабр-тоқат қолмади. Агар илга-
ри гадолар йўқ, ҳеч ким садақа тилаб ўз қавмига
иснод келтирмаган бўлса, энди вайрон бўлган ша-
ҳарлар кўчаларида овқат олиб емоққа чўнтагида бир
пули йўқ сонсиз-саноқсиз одамлар дайдиб юрарди.
Улар бадавлат кишиларни ўлдириб, мол-мулкани бў-
лашиб олишарди. Элладани ғалаёнлар силласини қу-
ритар эди.

Шохлашиб уришаётган ҳўкизлар подаси бўрини
эсига келтирмайди, ваҳший ҳайвон бўри эса дафна-
лар орасида ўлжасига ваҳшиёна тикилиб туради.
Юнонларга македониялик қўшнилари ана шундай
кўз билан тикилиб ёгарди.

Македония баланд тоғлар, қалин ўрмонлар ўлка-
си. Одамлар у ерда ов овлаб, қарағай кесиб яшай-
дилар, чорва боқадилар, айрим жойларда ғалла эка-
дилар. Македонлар ёввойилар тилида гаплашадилар.
Улар ҳаммаси бўлиб беш юз минг киши, аммо жуда
жасур ва чидамли, қурол билан муомала қилишга
ҳам уста халқ. Уларни ҳам илгари Спартадаги син-
гари уруғ оқсоқоллари кенгаши бошқарар эди.

Архелай шоҳ даврида македонлар юнон урф-
одатларини қабул қила бошладилар. Элладаликлар
варварларга яна ҳам ёввойироқ фракияликлардан
ҳимояланиш учун мудофаа қўрғонлари қуриб бер-
дилар, уларнинг аскарларини жанговар тартиб-ин-
тизомга ўргатдилар. Македония Филипп Иккинчи
шоҳлик қилган даврда айниқса юксалди. Филипп
гаров тариқасида Фива лашкарбошиси Эпаминонд
хонадонида узоқ яшади, юнон тилида таълим олди,
юртига қайтиб келган ёш подшо маҳаллий ҳокимча-
ларни бўйсундирди ва давлатнинг ягона ҳукмдори
бўлиб олди. У ажойиб қўшин тўплаб, Геллеспонтда-
ги¹ анчагина юнон шаҳарларини босиб олди ва тўй-
мас назарини Элладага қаратди.

Юнонлар шимоллик ёввойилар ҳокимиятига бўй-
сунмас эдилар-у, аммо Элладанинг ўз ичида бирлик
йўқ эди: ўртаҳол граждандар ва камбағаллар маке-

¹ Геллеспонт — ҳозирги Дарданел бўғози.

донларнинг келишини истамасди, улар халқ ҳокимиятини сақлаш, ортиқча бойликни бўлашиш, маош тулаш қонуни, озод туғилган одам дахлсизлигининг тарафдори эдилар; Геллеспонтни — скифлардан ғалла харид қилиш учун Боспорга борадиган сув йулини йўқотишдан қўрққан ғаллафурушлар ва уруш бойлик, фойда ваъда қилиб турган қуролсозлар ҳам Филиппга қарши чиқдилар. Нотиқ Демосфен халқ доҳийси сифатида майдонга чиқди ва Филипп шоҳга қарши курашди. Аксинча, бошқа нотиқлар — Исократ билан Эсхин, шунингдек, пулдор Эвбул ва унинг ҳамма ялоқхўр муридлари, сотилган савдоарвачча ва ер эгалари ҳамма майдону чорраҳаларда оғиз кўпиртириб, Элладани эзаётган ички ғалаёнлар ва низо нифоқлардан халос бўлиш Филиппга боғлиқ, деб жар солдилар.

Элладаликлар узаро талашиб-тортишаётган бир пайтда Филипп қўшинини Беотияга бошлаб келди; Херонеа шаҳри яқинида жанг бўлди, македонлар юнон аскарларини тор-мор қилдилар. Эллада Македония шоҳи ҳокимиятини тан олди. Тўғри, Филипп ўлдирилгач элладаликлар қўзғолон кўтардилар, лекин ёш подшо — Александр уни бостириб, муқаддас Фива шаҳрини таг-туғи билан вайрон қилди. Мана, уч йилдирки, Эллада Македония зулми остида кун кечиради.

Аслзодаларга яхши: ҳеч ким бировнинг мол-мулкига дахл қилолмайди, у илгари кимга тегишли бўлса янги қонун билан ўша эгасига биркитиб қўйилган, «миннатдор оталар» ғалласининг бир қисмини камбағалларга бўлиб беришдек бурунги мажбуриятлар энди йўқ, савдогар бутун мамлакат бўйлаб бемалол юриши, бошлаб харид қилиши, ўзига маъқул бўлган нархда сотиши, кўплаб пул ишлаб олиши мумкин. Ҳа, бадавлат одамларга яшаш қулай бўлиб қолди. Камбағал-чи? Қонун мол-мулкни эгасига абадий биркитиб қўйганидан унга нима фойда? Ахир камбағалнинг ҳеч нарсаси бўлмаса, унга ҳеч нарса биркитиб қўйилмаган бўлса. Илгари у оч қолса, халқ мажлиси бойлардан тортиб олган ғаллани элга бўлашаётганда унга ҳам маълум қисмини тарозида тортиб берарди. Агар судхўрдан олган қарзлар уни қийнаб қўйган бўлса, мажлис бу қарзни бекор қиларди. Яхшими ёки ёмонми, ҳеч ким очлик ва совуқдан ўлиб кетмасди, энди эса ё ўғирлик қилиш, ё

бўлмаса аскарликка ёлланиб, бегона ўлкаларда дайдиб юриш, сафар гулханлари атрофида чўзилиб ётишдан бошқа чора қолмади.

Ташқарида аллақачон Ленеон оғи — олис Франция ўтлоқларидан кўтарилган бўрон сершовқин тўлқинларни соҳил қояларига суриб келадиган, тоғ ёнбагирларидаги қарағайларни қулатадиган, жуни ёмғирда бўккан қўйларни жунжиктирадиган, ўрмонда дайдиб юрадиган пахмоқ йиртқичларни титраш ва думини қисишга мажбур қиладиган қиш палласи етди. Ленеон оғи — ҳайвонлар учун ҳам, одамлар учун ҳам оғир қиш фасли аллақачон етиб келди.

Тонг. Бандаргоҳда шовқин-сурон, ғижир-ғижир, жаранг-журунг: денгизчилар қорақайин устунларга ўроғлиқ бронза занжирларни ечиб, кема ёндоридан ошириб итқитмоқдалар. Кемалар Эмпирей бандаргоҳини қолдириб, Сароник қўлтиғи кенгликларига чиқади. Эшкакчилар ўзларига қўшиқ билан далда бериб, бир меъёрда узун эшкакларини эшишади:

Қа-ни бирдан, қани ҳам-ма!

Ҳам-ма бирдан, қа-ни, ҳа!

Тўлқинтўсар олдида турган денгизчилар дарғанинг ишораси билан чорси елканларни ёзиб юборишади. Пишиқ, чидамли мато шамол эпкини-ла қаппаяди. Кўп эшкакли катта кемалар чайқалиб, бир ёнга қийшаядилар-да, қуйи чеккалари билан муздай сувни чайқатиб, яна тикланадилар ва чўчиб парвоз қилган қушлар галасидай ажир-бужир, яшил тўлқинлар узра оппоқ кўликларни ёриб сузиб кетадилар.

Феаген уйғонди, бошини кўтарди ва бандаргоҳда сафланиб турган кемаларга маъносиз тикилиб қолди. Оҳиста тарқалаётган намхуш қоронғилик орасидан омбор деворлари кўзга ташлана бошлади. Аста-секин Феаген кўзлари ойдинлашди. Юнон керишиб эснади, совуқдан қалтираб кетди ва инграб, тўшак вазифасини ўтаган нам хазон устидан турди.

У ухладими? Ё раб! Феаген тун бўйи тўлғаниб, оҳуриб чиқди, тез-тез сапчиб туриб кетар, озгина бўлса ҳам исиш учун қирғоқ бўйлаб югурар эди, жуни сийраклашиб қолган кучук тери телпаги, эски эчки тери пўстаги, тиззага тушадиган, ўн жойидан йиртилган жун чакмони уни шимолнинг совуқ, нам, суяк-суяккача сирқиратиб, жигар, бўйрақларгача

музлатадиган шамолидан асрай олмас эди. Феаген югуришдан чарчаб, учи савдогарлар ҳомийси тангри Гермеснинг боши ҳайкали билан тугаган устун ёнига ўтирди, энтикиб-энтикиб нафас оларди: тиши тишига тегмас, аъзон бадани титрар, озроққина бўлса ҳам иссиқ талаб қилар эди. Синиққан, эзилган Феаген ниҳоят тоиготарда уйқуга кетди ва уч соатдан кейин чалажон ҳолатда уйғонди, юзлари шишган, бели эса зирқираб оғрир эди. Даҳшатли тун. Илло бошпанаси бўлмаган юнон нима ҳам қилсин!

Қачонлардир афиналиклар форс Доро Гуштасбнинг аскарларини енгган жойда — Марафон шаҳри ёнида уч йил аввал Феагеннинг ҳам уй-жойи, ери бор эди. Хотини бор эди, Мерилад исмли ўғли ўсаётган эди. Юнон тепаликнинг тошлоқ ёнбағрида бугдой экарди. Тошлоқ ерда бугдой яхши ҳосил бермасди, лекин олиқ-солиқларга етиб турарди. Ўзига озроқ қолса ҳам, қисиб-қимтиб келаси ғалла пишиғигача етказарди. Ўзига тўқроқ қўшнилarning токзор боғлари бор эди, аммо кўчат сотиб олишга Феагеннинг пули йўқ эди. У бойиб кетишни хаёлига ҳам келтирмас, ўз еридан олиб турган озгина ҳосил учун ҳам деҳқончилик ҳомийси илоҳа Деметрадан миннатдор эди.

Аммо маъбудлар ҳасадгуй, қисмат эса беаёв. Ёз кунларидан бирида Харадра водийсига йирик-йирик дўл ёғди. Бугдой адоий тамом бўлди. Феаген ҳам. Тўғри, дастлаб у бир оз ўзига келди — бадавлат Ламаха амакидан келгуси йил ўн чорак қилиб қайтариш шарти билан беш чорак бугдой қарз кўтарди. Уша йили қишда кўкат ҳам еди. Аммо ғаллани уруғликка асради. Баҳорда Зевсга ихлос билан сажда қилиб, ҳўкизларни қўшга қўшдида, омоч бандини маҳкам ушлаб, меҳр билан ер ҳайдади ва тупроққа қимматбаҳо уруғни сепди. Қўшлар донни чўқиб кетмаслиги учун Мерилад мола билан ерни текислади. Феаген бугдойнинг бош тортишини интизор бўлиб кутди, аммо ғалла етилиб қолганда қаердандир бало-қазодай чигирткаю қўнғиз ёпирилиб келди-да, ҳаммаёқни шипшийдим қилиб кетди. Ҳосил нобуд бўлди, тўрт чорак ҳам ололмади.

Қайғудан Феагеннинг хотини Иринанинг юраги зардоб бўлди. Омадсиз эридан қўл силтади-да, ўғлини олиб отасининг юрти Лакратидага жўнаб кетди. Феаген хафа бўлиб ер, қорамол ва омочни сотиб, ха-

сис Ламаха амакисига (лаънат бундай қариндош-гал) қарзини тўлади-да, иш қидириб Пирей томон йўл олди.

Иш! Мана бир йилдирки, шу сўз Феагеннинг шамолда қақраб, ёрилиб кетган лабларидан тушмайди. Қўллари қавариб қонталаш бўлгунча эшкак эшишга, қовурғалари қисирлаб кетса ҳам юк ташишга, ахлат супуришга, кир ювишга — ҳаммасига тайёр, фақат бир парча арпа нонга ёки бир бурда тузланган балиққа етарли чақа тушса бўлгани. Иш! Аммо уни қаердан топасан? Бу ерда, Пирейда Феагенга ўхшаганлар тўлиб-тошиб ётибди. Мана улар, мудом қорни оч жулдурвоқи дайдилар галаси, бандаргоҳ бўйлаб — қулфланган омборлар, шалағи чиққан қайиқлар, қулаб тушган кулбалар атрофида мурдалардай сочилиб ётибди, бир парча ғиштга бош қўйиб чўзилишга жой йўқ, уларни бу ердан турғизиб юборишга қоровуллар ожизлик қилади...

Юнон нон ушоқ ҳам тополмаслигини, уни бошқа биров илиб кетганини биларди. Унга ҳеч ким бери кел демайди. Ҳозир юк кам, юкчи эса сон-саноқсиз. Аммо омадга бўлган ғарибона умид уни олға чорларди — ҳамма ерда овқат бўлса-ю, оч одам ўзига емиш тополмаса, бу ақлга сиғмайди, ҳақиқатга хилоф.

Бозордан бир бурда нон ўғирлаши мумкин эди-ю, аммо бундай нолойиқ ҳаракат тўғрисида ўйлашнинг ўзиёқ унга қаттиқ озор берарди: марафонликнинг қалбида деҳқонча ҳалоллик туйғуси ҳамон сақланиб қолган эди. Баъзилар уни аллақачон йўқотиб қўйган, тун бўйи маст денгизчиларни шилишар ёки дўкон эшикларини бузишарди, бироқ Феаген ҳали ҳам тасодифан топилган меҳнат ҳисобига кун кўрмоқда эди.

Нон қаерда, нон борми ахир? Феаген Дейгмага яқинлашди, вақт эрталигига қарамай, унинг атрофида савдогар, мардикор, тижорат аҳли, денгизчи, ажнабий кўчкинчи ва қуллар уймалашарди. Турли тилларда гаплашишарди. Яҳудийнинг узун бурни кўккўз фракияликнинг қулоғи устида пишиллар, мағрур мисрлик қорасоч италиялик билан суҳбатлашар, офтобда қорайган скиф одамларни туртиб-суриб сўкинарди.

Савдогарлар раста олдида уймалашар, мато намуналарини харислик билан кўздан кечирешар, дудланган, тузланган, қоқланган, зиравор қўшиб сирка-

ланган балиқлар тўла катта-катта сопол идишларга қўл узатишар, Боспор, Сицилия, Миср ғаллаларини кўришар, чарм, жун, мўйна саралашар, этрусларнинг пойабзал ва бронзасини, мисрликларнинг папирус қоғози ва зиғир поясини, форсларнинг гилам ва атир-упаларини, африкаликлар келтирган фил суягини кўздан кечиришар, истаганларга зайтун ёғи, Гиммет асали, кўрғошини, мрамари, кумуши, газмоли, Атика косаси, уй жиҳозлари, гулдор Коринф кўзалари ва Танагри ҳайкалчаларини таклиф қилишарди.

Феаген Дейгма ёнида икки соат дайдиб юрди, ammo шунча ноз-неъматлардан унинг оғзига бир увоқ ҳам кирмади. У очлик ва совуқдан карахт бўлиб қолган, деярли юриб ухламоқда эди. Қулоғига пахта тиқиб қўйилгандай, марафонлик ўз овозини ҳам эшитмас эди. Ҳар қадамда оёқлари чалишиб кетар, худди тўпигидан синдириб ташлангандай эди. Бирдан кўзи тиниб, боши айланди. Феаген ранги оқариб, чайқалиб кетди. Ҳеч нарсани ажратолмай қолди, қўлларини ожизона олдинга чўзиб кимнингдир растаси устига йиқилди. Тасодифан ёғ-сут, тухум солиб пиширилган бир бўлак нонни чангаллаб олди. Раста соҳиби шовқин-сурон кўтарди. Назоратчи пайдо бўлди. Бу кулранг кигиз қалпоқ кийган скиф қул эди.

— Оймозде!— тўнғиллади скиф ва қамчисини ўйнатди.— Фарёд қил, итдан туққан!

Феаген ўзига келди ва ҳайрон бўлди. Унинг қўлидаги нон қаердан келди? Марафонлик ғамгин мингирлади:

— Олмоқчи эмасдим...

— Алмоқчи емасдим?..

Скиф қамчисини силкиди. Феаген устига шундай куч билан қамчи тушдики, унинг елкаси оловда қиздирилган темир чивик босилгандай жазиллаб кетди. Қўлидаги нон тушиб кетди, ўзи эса раста олдида чўзилиб қолди.

— Олмоқчи эмасдим!..

— Алмоқчи емасдим?

Назоратчи бахтсиз марафонликнинг ёқасидан ушлади-да, бостирмадан нарига итқитиб ташлади:

— Иўқол!

Бу қул ҳамма афиналикларга қаттиқ нафрат билан қарарди, ахир шулар-ку уни кўчманчи эркидан айириб, тутун босган, ammo қалбига яқин чодиридан

маҳрум қилганлар; вазифаси шарофати билан (бу вазифага уни бақувват бўлганлиги учун қўйишган), скиф қулай пайт келганда ҳар бир юнонни — бойми, камбағалми, элладалик бўлса бўлди, бари бир гўр, минг лаънат ҳаммасига — хўрлаш, ҳақорат қилишдан бир дунё роҳат оларди.

Пирейда Феагенга нон йўқ. Яхшиси, Афинага, бозор майдонига боради, балки у ерда бирор кимса бечора дайдига шафқат қилар. Тўғри, Афинагача қарийб етмиш беш стадий¹, бу масофани босиб ўтиш керак, бўлмаса Феаген бугун оламдан ўтади.

Юнон Узун Девор бўйлаб судралиб, ярим вайрон оҳак устунлар олдида тўхтаб-тўхтаб борар ва хиранигоҳ билан шошиб-пишиб ўтиб-қайтаётган одамларга қарарди. Деҳқонлар яёв боришарди. Савдогарлар аравада ёки хачир миниб ўтишарди. Гоҳида Феаген олдидан шаҳар оқсуякларининг икки ғилдиракли араваси елиб ўтарди. Зич тўда бўлиб қуллар кетаётир. Улар тез-тез қадам ташлар, гап-сўзсиз, атрофга алангламай, енгилиб, орқага чекинаётган легион аскарлари каби саф-саф бўлиб боришар, эркаклар ва аёллар, ассириялик, лидиялик, фригиялик, мисрлик, фракияликлар, яҳудий ва скифлар каби турли қабила вакиллари худди ўзларининг иснодига сурбетларча қараб турган бегона кўзларни кўрмаслик учун тезроқ манзилга етиб олишга шошилаётгандай эдилар. Ортада қолаётганларни шоширишга даъват қилувчи аскар овози янграрди:

— Тезроқ!

Ҳайбатли Атлас каби кенг елкали қул бутун Элладани елкасида кўтариб тургандай эди. Олти юз қирқ минг тутқун Коринф устахоналарида азоб чекарди. Ингирма минг эркин афина гражданига ўн минг ҳуқуқсиз ажнабий кўчманчи ва тўрт юз минг сотиб олинган ёки асир олинган қул тўғри келарди. Ярм миллион ёввойилар Эгина жабр-зулми остида эди. Қуллар ўн минглаб ўлиб кетар, улар ўрнини эса «сўзловчи ҳайвонлар»нинг янги тўдаси эгалларди.

Эртага Агорда — Афинанинг бозор майдонида катта савдо-сотик бўлади. Тутқунларни қип-яланғоч қилиб, тахта супа устига чиқарадилар. Харидорлар уларнинг оғизларини очиб кўрадилар, кучини синайдилар, бу жонли молни югуриш ва сакрашга маж-

¹ Стадий — 160 метрга яқин.

бур қиладилар. Юзлари бужмайган чолларнинг қўллари очкўзлик билан ўн беш ёшли қизларнинг кўкрак ва сонларини пайпаслаб кўради. Қул савдоси — сердаромад машғулот. Оддий, аммо оғир ишни удалай оладиган қулнинг баҳоси қарийб икки мина¹ туради. Ҳунарманд қулнинг баҳоси хийла баланд. Кўнгил очишга мўлжалланган чўри қизнинг баҳоси ўн, йигирма ва ҳатто ўттиз минага ёки ёлланма ҳунарманднинг йиллик иш ҳақи бор-йўғи уч юз драхмани ташкил қилган ҳолда канизакнинг баҳоси уч минг драхмага боради.

Етти кун ўтар-ўтмас ҳозир Феаген ёнидан ўтиб бораётган бечора чет эллик тутқунларни бўлашиб олишади ва иш-ишига жўнатишади. Устахона бошқарувчиси, хўжайиннинг савдо вакили, ишбоши, ҳисобчи, омборчи, ошпаз, найчи ёки раққоса қилиб тайинланганларнинг тақдирига ҳавас қилса арзийди.

Аммо кулоллар, ғишт герувчилар, эшкакчи ва тикувчилар қисмати-чи? Лаврион конларига ҳайдаб киритилганлар аҳволичи? Уларни коннинг тўқсон тирсак чуқурликдаги лаҳмларига тушириб қўйишади, ўн икки соатлаб бронза чўкич билан қаттиқ жинсни кўчиришга, арқон орқали ёки кажавага солиб юқорига олиб чиқишга, тегирмонда майдалашга, ўғир даста билан туйишга, уни лойқа ҳовуз сувида ювишга, кўрада эритишга, тўрт қиррали-узунчоқ қилиб қуйилган кумушни хачирларга ортиб, Афина йўлига чиқишга мажбур қилишади.

Бир урса хўкизни тил тортқизмай ўлдирадиган анави навқирон ливиялик ҳам ярим йилдан кейин дармонсиз чолга ўхшаб қолади: ҳаддан ташқари оғир меҳнат, очлик, ташналик, калтак ва касаллик бу азаматнинг ҳам силласини қуритади, кейин уни ҳам жарликдаги ваҳший ҳайвонлар ғажиб кетган суяклар устига тириклай элтиб ташлашади.

Феаген бир вақтлар Марафонда яшаган чоғларида қулларга қандай муносабатда бўлганини эслади ва аянчли жилмайиб қўйди. Ҳозир унинг қулдан нимаси ортиқ?

Юнон ўйлаб қолди: чапга бурилиб, зайтунзорга кирса-ю, ётиб жон берса... қандоқ бўларкин? У иккиланиб туриб қолди. Худо сақласин, йўқ! Балки бугун бирон бурда нон топиш насиб қилар? Яна

¹ Мина — пул бирлиги: олтин пул билан 28 сўм.

хайрли умид ҳолдан тойган, бутунлай руҳи тушган одамни улуғ пойтахт дарвозаси томон бошлади.

Эгри-бугри, ифлос кучаларнинг икки бетидаги сон-саноқсиз устахоналар — нақ бир-бировининг устига бостириб келаётгандек туюлувчи пастак, қинғир-қийшиқ кулбалардан таралаётган тутун иси Феагеннинг димоғига урилди. Дурадгорлик, кулолчилик, темирчилик, бошмоқдўзлик, кўнчилик, тўқувчилик, кандакорлик, арқон эшувчилар, мисгарлик ва ямоқчилик устахоналарининг тақ-туқ, жаранг-журунг, ғижир-ғижир товушлари унинг қулоғини қоматга келтирди. Шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган қисмида қандай ҳид таралиши мумкин бўлса, бу ерда ҳам шу ҳидларнинг ҳаммаси: сасиган балиқ, ошланган тери, ачимсиқ лой, эчки жуни, эритилган мис, чириган гўнг ҳидлари анқиб турарди...

Феаген зўр-базўр судралиб Агорга етиб келди ва ҳаммол, дўкондор, олибсотарлар, тутқунлар ва ширакайф саёқ қизлар орасига тушиб қолди. Телпагини ечиб олди-да, қўлини олдига чўзиб, деярли кўзлари ҳеч нарсани кўрмай, оёқларини судраганча балиқ, пишлоқ, нон, мусаллас расталари ва қамиш бостирмалар, моллари очиқ ҳавода ёйиб қўйилган мол сотувчилар, аттор ва баққоллар олдидан ўтиб, то елкасини тош устунга уриб олмагунича олға кетаверди. Шундагина Феаген телпагига кўз ташлади — ҳеч нарса йўқ. Унинг боши ғалати бўлиб ғувиллаб кетди, каловланиб бир чайқалди-да, беҳол йиқилди.

Одам тирик чоғида унинг чеккан озорлари ҳеч кимга таъсир қилмайди, томоқ қирилиб кетгунча ҳамдардлик сўраб қичқирса ҳам, бари бир унинг нолаларига ҳеч ким жавоб бермайди; гарчи энди унга ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, ўлган киши атрофида эса негадир мудом иши ва сўзи билан холисона ёрдам беришга тайёр хайрихоҳ одамлар уймалашиб қолади. Феагенни бирпасда одамлар ўраб олди. Кимдир чуқур хўрсиниб, бир коса вино кўтариб келди. Бошқаси юраги ачиб, ўз нонидан бир бурда синдириб берди. Шўрлик Феаген ҳали тирик эди, уни амаллаб ўзига келтиришди; мусаллас вужудини иситди, нон эса қувват берди, шундан сўнг хавф ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилган одамлар яна бечорани ёлғиз қолдириб тарқалишди.

Уларнинг биридан келиб ўтирди-да, бошини кўзига қўйиб, ўйга толди. Нима қилмоқ

керак? Энди нима қилишинг керак, марафонлик? Яна бир кеча бугунгидай ўтса, ишинг тамом... Улим ҳақида ўйларкан, этлари музлаб кетди. Йўқ, йўқ... Яшаш керак, аммо қандай қилиб? Имкон борми?

— Эй, Феаген!— кимдир марафонликни чақирди. У чўчиб тушди. Кўп вақтдан бери унинг отини атаб чақиришмас, «дайди» деб қўя қолишар эди.

Феаген ўгирилиб қаради-ю, кўзлари аланг-жаланг бўлиб, нигоҳи бирдан хиралашди. У Дракилни кўриб қолганди. Дракил ярим йил илгари ижарахўрдан қарз олган, қарзини тўлаёлмай, касодга учраган. Марафондаги майда-чуйда нарсалар билан савдо қилувчи дўкони Ламахнинг қўлига ўтиб кетганди. Дракил хотин-болаларини ташлаб, Феаген сингари омад излаб, қайдасан Афина деб йўлга тушганди. Ҳақиқатан ҳам анча уддабурон бўлган Дракил бир бурда нон топишда бошқалардан усталик қилиб, очлик азобини Феагендан кўра камроқ тортган эди.

— Сенда ейдиган ҳеч нарса йўқми?— гамгинлик билан сўради Феагеннинг ёнига ўтира туриб.

— Йўқ,— қуруққина жавоб берди Феаген.

— О, Гермес...— деди Дракил эчки терисига яхшироқ ўралиб оларкан ва жим бўлди. Улар шу ҳолатда бир соатга яқин туришди — шошиладиган жойлари йўқ эди-да. Феаген мудрай бошлади. Дракил ҳам ундан ибрат олди. Қимнингдир овози уйғотиб юборганда кеч кирган эди. Улар кўзларини очишди. Ибодатхона олдида бошларига қимматбаҳо телпак, устларига кенг ва қалин ёпинчиқ, оёқларига иссиқ бошмоқ кийиб олган учта соқолдор афиналик турар, изғирин уларни чўчитолмас эди.

— Шу гап тўғрилигига ишонасанми?— сўради бири.

— Ҳа,— жавоб берди иккинчиси,— Коринфда юнон ва македон йўлбошчиларининг кенгаши бўлди. Баҳорда Александр Геллеспонтдан сузиб ўтади.

— Нега?

— Саволингни қара-ю!— кулимсиради учинчиси.— Юнон ибодатхоналарини бузгани учун форслардан қасос олишга.

— Эҳе! Бу ишлар Ксеркс даврида бўлган эди. Уша ибодатхоналарнинг кимга кераги бор экан? Элладаликларнинг ўзлари ҳам улар устига уймалашиш-япти. Эсингиздами, фокидаликлар муқаддас Дельфни қандай талаганлари? Ушанда ибодатхонани хи-

моя қилиш деган гап фокидаликлар билан фессалияликлар ўртасида уруш чиқишига баҳона бўлган эди. Македониялик Филипп жанжалга аралашди-ю, унисиниям, бунисиниям думини қисиб, тинчитиб қўйди. Ҳақоратланган ибодатхона учун қасос олиш бир баҳона эканлигини мияси суюқ ахлат билан тўлдирилмаган ҳар бир одам тушунади. Македонияликлар форс подшосининг хазинасини эгаллаб олмоқчи, мана уруш сабаби қаерда.

— Боринг, шундай бўлсин ҳам! Бу бизнинг ҳам фойдамиз.

— Қандай фойда?

— Қандай фойда дейсанми? Фасоҳат муаллими Исократ айтадики: «У ерда бизни бой, тўкин-сочин мамлакат кутяпти. У ерда биз бахт, кенглик, фаровонликка эришамиз; тўпланган бойлик билан уй ва жамоага бирлик ҳамда ҳамжиҳатлик қайтиб келади.» Яхши гап. Наҳотки сенга форс олтини ёқмаса?

— Олтин-ку, ёқади. Аммо менга насиб қилармикин?

— Нега насиб қилмасин?

— Александр уни мenden камроқ яхши кўрмас.

— Э! Ҳаммага етади. Тир шаҳрида бир мақол эшитган эдим. «Арслон тўйган жойда чиябури ҳам оч қолмайди». Нима десангиз денг, менга Александрнинг режаси ёқади. Донишманд сўзини эсланг: «Эрон билан бўладиган бахтли уруш корчалонларга катта имкониятлар эшигини очади. Давлат ҳаётига хавф солаётган дайдиларга иш топиб бериш билан Эллада қашшоқ одамлардан қутулади». Демак, форсларга қарши уруш бизга икки томонлама фойдали: бир томондан — ўлжа, иккинчи томондан шаҳарни тўлдириб юборган жулдурвоқилардан ниҳоят қутуламиз.

— Сен ҳақсан. Афинадан дайдилар қанча тез йўқолса шунча яхши. Ларих ўғли Эригий аллақачон аскар тўплаётган эмиш. Бирор ойдан кейин эркинроқ нафас оламиз шекилли.

«Олижаноб оталар» кетишди. Дракил бошини қашиб, лабини тишлади-да, сўнгра Феагенга тортиниброқ деди:

— Эшитдингми?..

Феаген индамади. Албатта, ҳаммасини эшитди у. Аммо, уруш! Ҳар бир виждонли деҳқонга жирканч эшитилади бу сўз. Ҳамма юнонлар қатори Феагенга

ҳам найза санчиш, палахмон отиш, қалқон билан ҳимояланишни ўргатишган, лекин ўз уйингни босқинчидан ҳимоя қилиш бошқаю, қайсидир кимса учун Эрон хазинасини ўлжа қилиш бошқа. Аммо нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Нима қилишинг керак, Феаген?

— Ҳа, биргина умид...— алам билан шивирлади марафонлик.

Ярим соатдан кейин улар Эрон шоҳи Доро Кодоманга қарши бўладиган уруш учун ёлланма аскар тўплаётган лашкарбоши Эригий ҳовлисида туришарди.

ГАВГАМЕЛИ ЖАНГИ

*Искандар найзаси ярақлар шу чоқ,
Ғарбда порлагандай қирмизи булоқ,
Доро қиличидан сачраса учқун,
Қоялар қалбида ўт ёнар бутун.*

Низомий, «Искандарнома»

Куз фасли эди. Боғларда хурмо ҳосили пишиб етилган. Македониялик Искандар қўшини Дажла дарёсидан ўтиб, жануби шарқ томон йўл олди ва Ассириянинг Гавгамели шаҳри яқинидаги тепаликни ишғол қилди.

Бир соатдан кейин қуруқ буталар билан қопланган тепаликда чодирлар шаҳарчаси тикланди. Шаҳарча устидаги ҳаво офтобда қорайган эллик минг аскарнинг бақирӣқ-чақирӣғидан ларзага кела бошлади. Одамлар мис қозонларда ёсмиқдан овқат пиширар, яхлит эчки ва қўй гўштини олов устида айлантирар эди.

Урта пиёданнинг кичик бўлинма бошлиғи Феаген қорасоч бошини унг қўли кафтига қўйиб гулхан ёнида ётар, қуруқ, мурт хашакни ямлаб чирсиллаб ёнаётган гулхандан кўзини узмасди.

Форсларга қарши тугамас урушни шарққа, Осиёга кўчириш, осиеликлар бойлигини ғарбга, ўз юртларига жўнатиш учун Эллада эрлари бир юз олтмиш оғир кемада Геллеспонтдан ёввойилар мамлакатига келтириб қўйилганига ҳам мана уч йилдан ошиб кетибди. Александр аскарларининг Гра-

никда Доро Кодоман тўдаларидан бирини тор-мор келтириши буюк юришнинг бошланиши бўлди.

Ҳа, мана уч йилдирки Феаген бегона йўлларда чанг-тупроқ кечади, бегоналар нонини тановул қилиб, бегоналар сувини ичади. Кўприклар қуриб, лаҳм кавлайди, деворларга тирмашиб чиқиб одам ўлдиради, лекин худо шоҳид, у ҳамон қашшоқ. Марафонликнинг юрагига виждон (қуриб кетсин!) шундай қаттиқ ўрнашиб олганки, жоҳилларга найза санчади-ю, чўнтагидан ҳамёнини олишга келганда темирдай қўллари бирдан дармонсизланиб, қоқшолга ўхшаб қолади. Дракил эса бунинг аксини қилади. У қиличини қинидан жуда кам суғуради, лекин ҳар бир жангдан кейин қўйнидан халтасини чиқаради. Савдогар ҳам Феаген сингари алангага ўйчан тикилиб турибди. Эҳтимол бу Дракилга Пинар дарёсидан нарида Александр ўлжа олган олтин шуъласини эслатаётгандир. Ёки буғдойранг Миср қизларининг билакларини беаб турган билагузукнинг жилоси бўлиб кўринаётгандир.

Македония пойтахти Пелладан шаҳар ноиби Антипатр ўн кунча бурун жўнатган аскарлар ҳали душман ёйидан отилган ўқларнинг визиллашини эшитганлари йўқ. Кулолчилик устахонаси ёки сандонлардан яқиндагина ажратилган азаматлар жанг кўрган баҳодирларнинг саргузаштларини эшитишга ишқибоз эдилар.

Феаген ва Дракил оғиз очмаганликлари сабаби янги аскарликка олинганлардан бири, Танагридан келган Лаэрт исмли чўтир беотияликнинг ўзи гап бошлади:

— Коҳинлар Александр ҳақида ғалати гапларни айтишади. У худонинг ўғли эканлиги ростми?

— Бўлмаса-чи,— жавоб берди Дракил. Феаген унга кўзини қисиб қаради ва кулимсиради. Савдогар қизариб кетди ва қошларини чимирди.— Бу қанақа тиржайиш, чақмоқ урсин мени?— пишқирди у дарғазаб.— Қани айт-чи: Македония далаларида юриб кўрганмисан?

— Йўқ.

— Дракил эса у ерда уч йил яшаган. Менинг кўрганларимни сен ҳам кўрганингда лабингни бурмаган бўлардинг.

Лаэрт яқинроқ сурилиб утирди ва ёлворгандай

Дракилнинг ғадир-будур иягига қўлини теккизиб қўйди:

— Сўзлаб бер!

— Жоним билан. Фақат гапимни бўлманглар. Сиз билан ўттиз ёшгача Марафондан ташқарига чиқмаган аллақандай кўрсичқон эмас, Дракил гаплашяпти...— Дракил Феагендан юз ўгирди-да, гулхан ёнига тўшалган жун ёпинчиқ устига ўрнашиб ўтириб олди.— Хўп, эшитинглар. Бизнинг йўлбошчимиз, бахти барқарор бўлгур Александр йигирма беш йил илгари Пеллада дунёга келди. Унинг онасини Олимпиада дейдилар, бадавлат ва оқсуяк оиладан. Лекин отаси ким?

Дракил кўрсаткич бармоғини юқори кўтарди. Аскарлар кўзларини катта очиб, каромат қилаётган авлиё олдида ўтиргандай унинг қўлларига тикилишди. Феаген заҳарханда билан деди:

— Македонлар подшоси Филипп ўзини Александрнинг отаси ҳисобларди. Наҳот у янглишган бўлса? Наҳотки бизнинг донишлар дониши бўлмиш ҳукмдоримиз сенга ўхшаган бир азаматдан туғилган бўлсалар?

Савдогар икки қўллаб бошини чангаллади. Янги олинган аскарлар даҳшатга тушиб қотиб қолдилар. Дракил бақириб юборди.

— О, ҳароми! Ҳозир устингга осмон ағдарилиб тушади. Ҳа. Филипп янглишган.— Дракил овозини пасайтирди.— Лекин... айтишларича, Александр Зевс яшинсочардан туғилган эмиш.

Дракил орқага чекинди-да, ҳаммага тантанали нигоҳ ташлаб чиқди. Ҳайратга тушган аскарлар миқ этмай туришарди. Феаген бош чайқаб, пўнғиллади:

— Негадир ишонгим келмаяпти. Бу одатдаги бузуқ хотинларнинг ҳийласи— қўшни ҳовлидаги бирон эркак билан тунашадида, кейин худоларга тўнкаб юришади.

— О, аҳмоқ!— хитоб қилди Дракил.— Сен нимани билардинг! Наҳотки Тиндарнинг рафиқаси Леда ўғли Полидевкни оққуш қиёфасида намоён бўлган Зевсдан туғмаган бўлса. Сенингча Дионис ҳам Зевс билан оддий аёл Семеладан туғилмаганми?

— Геракл-чи?— тортишувга ҳайқиброқ аралашди беотиялик Лаэрт,— у ҳам Зевс билан оддий аёл Алкменадан туғилган-ку.

— Ҳа,— илиб кетди унинг қўллашидан руҳланган савдогар.— Финикия маликаси, Қадманинг синглиси Европани яшинсочар ҳукиз қиёфасида намоён бўлиб, ўғирлаб, ўзининг севиклиси қилиб олмаганми?

— Шушти паноҳимиз Зевс бобо роса хотинбоз бўлган эканларда ўзиям,— пўнғиллади Феаген.

— Аргослик Даная-чи?— давом эттирди савдогар бошлиғининг шаккокона сўзларини эшитмай,— беотиялик Антиопа-чи? У сенинг жамоангдан, Лаэрт! Шундай эмасми?

— Ҳа... шундай шекилли,— иккиланиб жавоб берди беотиялик. У бу хатарли суҳбатни бошлаганига шушаймон бўла бошлаган эди.

— Шундай экан, нима учун Зевс Олимпиада билан ҳам бирга бўлиши мумкин эмас?— Феагенга ҳамла қиларди савдогар.— Сен қандай эътироз билдирма, бари бир Александр тангрининг ўғли. Унинг қилаётган ишлари далолат-ку бунга, чақмоқ урсин агар. Болалик пайтидаёқ у ҳаддан ташқари ботир сифатида шуҳрат орттирган. Бир кунги Филиппга Букефал лақабли от келтиришади. Шаҳар девори ёнида уни синашаётган экан. Букефал энг зўр чавандозларни ҳам устидан ағдариб ташлайверибди. Филипп дарғазаб бўлиб, уни олиб кетишни буюради. Александр эса шунда: «Эгарга ўтиришни эплай олмаганлари учун қандай ажойиб отни йўқотяптилар-а, кўрдингизми?»— дейди. Филипп баттароқ дарғазаб бўлиб: «Ўз қўлингдан келмагандан кейин кексалар устидан кулма!»— дейди. «Рухсат бер, мен уни ўргатаман»,— дейди Александр. Атрофда кулги кўтарилади: ҳамма шаҳзода ҳазиллашяпти шекилли деб ўйлайди. «Марҳамат!»— дейди Филипп. Александр югуриб Букефал ёнига келади-да, шарт юганидан ушлайди ва бошини қуёшга тескари томон буради — қараса, от ўз соясидан чўчиётган экан. Азаматимиз тулпорни силаб-сийпаб хотиржам қилади-да, бирдан устига сакрайди — ҳаш-паш дегунча от устида ўтирибди-да. От типпа-тик бўлиб кетади, лекин Александр қилт этмайди. Шунда Букефал бирдан қўзғалиб, ўқдай учиб кетади. Нима бўлганини биласизми? Тахт меросхўри тамом бўлди деб, энди уни тирик кўришдан умид узиб, Филипп ҳам, Олимпиада ҳам, бутун атрофдагилар ҳам йиғлашга тушишади. Нима бўлди деб ўйлайсиз, яшин урсин мени!

Кечқурун Александр ҳеч нарса бўлмагандай от миниб қайтиб келади, Букефал эса қўйдаи ювош тортиб қолганмиш. Қайси оддий одам боласи шундай ишга журъат қилади? Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Александрни илоҳий кучлар асрайди.

— Бунга худоларнинг нима дахли бор?— пўнғиллади Феаген.— Айтишларича, уларнинг Македониясида от кўп. Ҳар бир македонияликнинг чапдаст чавандоз эканини ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Александрнинг ҳаммадан моҳирроқ бўлиб чиққанига сабаб, у илгари ҳам шўх отларни миниб юрган. Шаҳзода чавандозликни қирчанғи миниб ўрганмаган-ку, ахир.

— Унинг ақли-чи?— эътироз билдирди савдогар.— У Суқротдан ҳам донишмандроқ, унга номаълум сир йўқ: атроф-теварақда нима бўляпти, нима бўлган ва нима юз бериши унга кундай аён. Айтишларича, кўр Гомернинг «Илиада»сини бошдан-оёқ ёд билармиш. Қайси оддий одам боласи бунга қодир?..

— Бўлмаса-чи! Ахир, уни Арастунинг ўзи ўқитган. Агар мен ҳам шундай мураббийдан тарбия олсам, Александрдан нодонроқ бўлмасдим.

— Вақиллама!— Феагеннинг сўзини бўлди савдогар.— Херонеа ёнидаги жанг, дўстим Лаэрт, эсингдами? У беотияликлар ерида бўлган-ку, ахир?

— Эсимда.

— Биласизми, Александр ўшанда қандай жасорат кўрсатган? Ушанда у ҳали йигирмага кирмаган эди. Биринчи бўлиб жангга кирди-да, фиваликларнинг муқаддас бўлинмасини савалай кетди. Унинг қўлларига тангрилар куч бермаган бўлса шундай қила олармиди?

— Намунча: «Илоҳий, илоҳий», деб вайсаб қолдинг?— Феагеннинг жаҳли чиқди.— Нима учун Александр маст фракияликка ўхшаб ўзини найзага урганини ёш бола ҳам тушунади. У шуҳрат истарди. Македонлар тунлари ухламай, қандай қилиб бутун Элладани босиб олишни ўйлашарди. Филипп саройида уруш ва юришлардан бошқа гап бўлмаган. Александр эса бу гапларни эшитавериб, шуҳрат ҳақида ўйлай бошлаган. Шуҳратпараст одам отасининг галабаларига ҳасад қилиб лабларини тишлаган, сўкинган, унга ҳеч нарса қолмаётгандай қўрққан. Мен ҳам сен ўйлаганча бефаҳм эмасман, уч йилдан бери анча-мунча нарсани кўрдим, эшитдим. Айтмоқчи, сен

афтимга тупук сачратиб бунча шовқин солас ан яшин-ку уриб сени ўлдирмас, лекин мен шубҳасиз, кал бошингга мушт тушираман. Эсингдан чиқдими, аҳмоқ, мен бошлиғингман-ку.

Дракил дарҳол жим бўлди. Феаген зарда билан гулханга қараб туфурди.

— Қароқчи сенинг Александринг, тангри ўғли эмас,— ғазаб билан қўшиб қўйди,— бизни талон-торож қилди, форсларни талаяпти. Кейинчи, кейин кимни? Бунинг устига у арақхўр, маҳмадона, мақтанчоқ, иззатталаб пасткаш.

— Ҳим,— Дракил кўзларини айёрона қисиб тиржайди. Мана сенга камгап Феаген. Бошлиғи керагидан ортиқча гапириб юбормадими, а? Ҳатто ўспиринларнинг ҳам бунга ақли етди, ўҳ-ўҳ, уларнинг чиройли, аммо бефаросат кўзлари бақрайиб қолганини қаранг! Ҳамшаҳринг гапларини керакли одамга етказиш чорасини қил, Дракил. Хомсемизнинг руҳи кўтарилди. Ўзининг қўли устунлигини ҳис қилиб, сурбетларча хохолаб кулди.

— Йўқ, сен ноҳақсан, дўстим Феаген,— Дракил катта бошини кўтариб, ирғиб ўрнидан турди.— Мени яшин урсин, ҳақ бўлсанг агар! Менга қара! Граникдаги жангда бизнинг ўттиз минг пиёда ва беш минг отлиқ аскаримиз бор эди. Шундайми? Форсларнинг эса қарийб йигирма минг ёлланма юнон аскарлари, тахминан тағин шунча отлиқ ва пиёда камончилари бор эди. Бундан ташқари, улар баландда, жарлик ёқасида турарди, бизга эса ботқоқдан ва дарёдан кечиб ҳужум қилишга тўғри келган эди. Шундайми? Шундай бўлса ҳам Александр душманни боплаб қирди. Боплаб урди. Айт-чи: осмон кучлари унга мададкор бўлмаган бўлса, ким ғалабага мушарраф қилди. Исса остонасида эса бир юз ўттиз минг форс устимизга ёпирилиб келди, лекин Александр буларнинг ҳам кулини кўкка совурди. Агар худолар қўлламаган бўлса, ким зафарга етказди? Ушанда: «Худоларнинг ўзи биз учун ҳаммадан кўра яхшироқ жанг қилмоқда», деб бекор гапирмаган эди у. Мен бу икки оёқли махлуқларни боплаб қийратмай қолган бирорта жангимизни эслай олмайман. Буларнинг ҳаммаси — осмондан. Ниҳоят, Миср. Уша юришимиз эсингдами: Ливия чўлларида сувсизликдан қирилиб кетишимизга оз қол-

ган эди. Коҳинлар Александрни Мисрнинг бош тангриси Аммон ўғли эканлигини тан олмадиларми?

— Бари бекорчи гап,— гап қўшди Феаген,— форслар жасур халқ, лекин уларнинг қуроллари ҳеч нарсага ярамайди. Уларга жанг қонун-қоидаларини ўргатишмайди, ҳар ким ўзи билганча жанг қилади. Шунинг учун битта македониялик учта форсга бас кела олади. Форсиянинг ўзи ҳам жуда дармонсизланиб қолган. Сатраплар орасида ўзаро қирғин урушлари ёки ғалаён чиқмаган кун йўқмиш эшитишимча, у ерда ҳар хил қабилалар кўп, форслар уларни талагани-талаган, шундоқ бўлгач, улар болта кўтармай қўядими. Солиқлардан халқ қашшоқланиб кетган. Ўз подшоси мамлакатни ҳақорат ва шармандаликка дучор қилган бўлса. Айтадиларки, ҳалиги, ўша подшоларни бесоқол ҳарам ходимлари ўз хоҳишлари билан тахтга чиқарар, тағин маликалар ёки уларнинг ўйнашлари ифвоси билан ўзлари ўлдирар эмиш. Богоаз деган ҳарам ходими уч подшони ўзи тахтга чиқариб, ўзи ўлдирганлиги билан шуҳрат қозонган. Тўртинчисига ҳам етиб борар экан-у, лекин Қодомон ўз вақтида унинг калласини олиб ташлаган. Форсия — касал одамдай нарса. Қасалда куч нима қилсин? Тушундингми? Хўш, энди Аммон коҳинларига келсак, агар сенинг ҳам томоғингдан бўғиб олсаму шафқат қилмасдан бор кучим билан қиссам, мени фақатгина худонинг ўғли, укаси, амакиси, буваси, набираси, қайнағаси, қайниси, қайнатаси ёки куёви дебгина қолмасдан, ҳатто дунёда мавжуд бўлган ҳамма худоларнинг отаси ҳам деб тан оласан. Тушунарлими? Хўп бўлди,— Феаген ҳорғин қўл силтади,— ўлган илоннинг бошини қўзғама, деб тўғри айтганлар. Яна: истаганимизча эмас, эплаганимизча яшаймиз, деганлар. Овқат тайёрми?

Маҳмадоналик чегарадан чиқиб кетганлигини марафонликнинг ўзи ҳам билди. Уч йилдан бери кўриб, эшитиб, тушунса ҳам қаҳрини ютиб (ахир у ҳам қачонлардир Александрнинг тангри ўғли эканлигига ишонган эди-да!), жим юрганди, охири бўлмади, бутун аламини Дракил бетига тўкиб солди. Манави Лаэрт, чўтир аҳмоқ ҳам бемаъни саволи билан унинг қўлтиғига сув пуркади, ер ютсин сени.

— Аммо, Феаген...— Дракил яна гап бошлаган

эди, Феаген баҳсни тўхтатиш учун ғазаб билан ўшқирди:

— Овозингни ўчир, тўнка! Минғир-минғир гапла-рингдан қулоқларим оғриб кетди.

Дракил мадад истаб Лаэрт ва унинг ўртоқларига жавдиради. Лекин улар кўзларини ердан олмадилар. Камбағалларнинг болалари қалбан Феаген томонда эдилар. Бироқ унинг фикрлари жудаям хатарли. Унинг гапини маъқуллашини кўрсатишга ким журъат қилади? Дракилга ҳам ёрдам бергилари келмайди. Ўз хатти-ҳаракатлари билан у очкўз суд-хўрни эслатарди. Фақаг чўтир Лаэртгина савдогар-нинг нигоҳига маъқуллагандай кулиб жавоб берди, лекин оғзидан сут ҳиди кетмаган бир боланинг ни-ма ёрдами тега қоларди?

Дракил безовгаланиб қора пахмоқ жун билан қопланган чаккасини қашиди ва Феагеннинг масла-ҳати билан бўғиқ овозини «ўчириб», жим бўлди...

Шу пайт қайдадир ўнг томонда, подшо чодир-и тарафда бўлса керак, бурғунинг жарангдор ва чў-зиқ навоси янгради.

— Кўрикка ҳозирланинг!

Гулханлар атрофида эринчоқлик билан чўзилиб ётган аскарлар бир йўла ҳаракатга келишди: улар шошилиб ёпинчиқларини қоқар, қилич осиб юради-ган қайишларини тўғрилашар, қуроолларининг чанги-ни артишарди. Кейин диққат билан тахланган ёпин-чиқлари устига ўтирдилар, лекин энди ҳар хил бе-корчи гаплар эшитилмас эди. Ҳамманинг юзида, айниқса кичик бошлиқлар чеҳрасида жиддийлик ва бадиққатлик, кўзларида хавотир бор эди.

— Кўрикка ҳозирланинг!

Чодирлар орасидан Македония қўшинининг олий мартабали бошлиқлари тўдалашиб ўтиб боришар-ди. Подшо гоҳ-гоҳ гулханлар олдида тўхтаб, аскар-ларга диққат билан — мастлар, беморлар, руҳи тушганлар йўқми, жанг олдидан ҳамма соч-соқоли-ни тозалаб олганми (қўл жангида соқолидан тут-қизмаслик учун) деб назар ташлар, айниқса соп-қончилар тўрвалари ва камончилар садоқларини инжиқлик билан титкилар, кўздан ўтказарди — қўр-ғошин зўлди ва темир ўқлар етарлими; қалқонлари маҳкамми, камалак иплари янгиланганми, совутлар яроқлими; уларнинг овқатларидан татиб кўрар, са-вол берар, ношукур жангчилардан индамай ўгири-

либ кетар (энди улар кунини кўради!), бошқалардан яхшироқ кўринган аскарларга хиёлгина бош ирғаб кўярди. Баъзиларни ҳатто исмини атаб, қўл узатарди, шунда қўпол эркакларнинг жангларда илиқ сўзни қўмсаб қолган қалблари мумдай эриб кетарди.

Ниҳоят у Феаген бўлинмаси олдидан ўта бошлади. Уч йиллик уруш мобайнида марафонлик биринчи марта Александрни шунчалик яқиндан кўриши эди. Ахир, подшо битта, ўрта пиёданнинг кичик бўлинма бошлиқлари эса сон мингта. Тангри Аммон ўғли ҳар ким билан юзма-юз учрашиши шарт, деб ким айта олади? Подшонинг қиёфаси Феагенни ҳайратга солди. Македониялик ўрта бўй, озгин, ҳатто нимжон эди. Жингалак, малла соч толалар очиқ, икки томони қабариқ қайсар пешонасига тушиб турарди. Чапга сал қийшайган бўйни, қизил юзлари, кўк кўзларидаги нозли ифода, улар остидаги майда ажинлар, лабларидаги инжиқлик белгиси ва думдумалоқ хотинча няги Феагенга ҳусни хазон бўлаётган лакратидалик гўзал хотинини эслатди. Бу ҳар нарсага қодир баҳодир эмас, минг-минглаб оддий одамлардан бири эди.

Ҳоким ортидан кулранг хитон устидан сидирға совут таққан, бошларига тожли ёки попукли жез дубулға кийган шахсий соқчилар ва лашкарбошилар эргашиб борарди. Ҳаммасининг ёнида сербар қилич осилиб турарди. Жундор оёқлари болдирига кавушлари тизимчаси чирмаб ташланган. Тирсаккача яланғоч муштакдор қўлларида юмалоқ оғир қалқон.

Подшо ва мулозимлар гумбазсимон сарғиш тепалик устида тўхташди; улар қаршисида теп-текис далаларнинг у ер-бу ерида бамисоли бетга тушган сийрак доғдай тўп-тўп сарвлар ўсган қўнғир водий ястаниб ётарди. Деҳқонлар ғаллани аллақачон, ёзнинг ўрталаридаёқ ўриб олишган эди. Олисда, деярли Юқори Заб яқинидаги душман гулханидан таралиб, мудроқ тўлғаниб, кўкка ўрлаётган тутун орасидан қалашиб ётган ясси томлару тўрт бурчак миноралар кўриниб турарди. Берироқда, оппоқ уч бурчак чодирлар орасида минг-минг одам уймалашарди. Булар Эрон шоҳи Доро Кодомон жангчилари эди.

— Сафланишяпти,— деди Александрга озгинроқ малла чол хириллаб. У ўзини мағрур тутар, ҳар бир

ҳаракати билан қадр-қимматини таъкидлаб турарди.— Фурсатни ўтказмай, ҳозироқ зарба берайлик.

Александр унинг гапини эшитмаётгандай эди. У индамай жануби-шарққа, форслар турган томонга қараб, нималарнидир ўйларди.

— Ҳуш?!— деди чол сабрсизлик билан.

Шоҳ бош чайқади.

— Йўқ, Парменион.

Чол қовоғини уйди.

— Бўлмаса қачон?

— Қачон?— Александр чиройли бурнининг учини қашиди.— Тонгда. Майли, одамлар дам олсин.

— Ахир, улар тўрт кундан бери бекор-ку!— қизишиб кетди Парменион,— яна қанча дам олишлари керак?

— Майли, яна бир кечани бекор ўтказа қолишсин,— эриниб жавоб берди шоҳ.— Ҳордиқ одамларга ҳамиша фойдали.

— Лекин форслар эрталабгача сафланиб улгуради-ку!— Парменион баттар қизишди.

— Зарари йўқ...

Александр эснади; у Парменионни бутун донишмандлиги билан бир пақирга ҳам олмаслигини кўрсатиб қўйишни истагандай эди.

— Зарари йўқ?— чол оппоқ қошларини чимирди.— Сен яхши кўрадиган Ксенофонтнинг сўзларини эса олиш жоиз эмасмикин? «Душманга ҳужум қилишнинг шундай пайтини топки, рақиб сафлари тартибга келтирилмаган, сенинг эса аскарларинг жангга тайёр, у қуролсиз, сен эса қуролланган, сен уни кўрасану у сени кўрмайдиган, у ноқулай жойда, сен эса қулай жойни эгаллаган бўл». Ёки сен кексалар маслаҳатини унутдингми?

— Йўқ,— лоқайд жавоб берди Александр.

— Бўлмаса нимани кутяпсан? Душман ҳали сафлангани йўқ. Улар тартибсиз ҳолда, бизнинг отличларимиз эса жангга тайёр. Биз душманни кўриб турибмиз, ўзимиз эса манави тепаликлар қатори ортида кўздан панамиз. Форслар пастда, биз юқорида. Нега ҳужум қилмаслигимиз керак?

Александр жаҳл билан афтини бужмайтирди.

— Кўр бўлиб қолганинг йўқми, бобой? Тун яқин. Парменион довдираб қолди (ў, Тифон илони ютсин сени!), аммо тезда ўзини қўлга олди:

— Ҳуш, нима бўлибди? Тун бўлса булар. Бошқа

иложи йўқ. Агар биз форсларга ҳужум қилмасак, улар бизга ҳужум қилади.

Шоҳ бошини ўгирди, Парменион унинг қаҳрли кўзларида нафрат ифодасини кўрди.

— Ҳужум қилмайди,— деди шоҳ тундлик билан.

— Нима учун?

— Нима учун?— қичқирди Александр. Юзларига бирдан қон тошиб келди ва пивопазнинг афтидай қип-қизил бўлиб кетди.— Чунки улар биздан қўрқадди! Биз қўрқув солиб уларни ҳолдан толдирамиз. Енгил отлиқлар бўлинмасига буйруқ бер, тун бўйи машъал ёқиб, водий бўйлаб айланиб юрсин. Палахмончилар эса кам-кам тош отиб туришсин. Унисини ҳам, бунисини ҳам тез-тез алмаштириб тур, одамлар ухлаб олсин. Соқчилар мудрамасин — бошини оламан! Лашкаргоҳга сичқон ҳам кирмасин. Айғоқчим, жосусми, тентираб юрган осиелик учраган жойидаёқ ўлдирилсин. Гапимга тушундингми?

— Нима кераги бор бу ишларнинг?— кекса лашкарбоши шоҳга тикилди. Ҳайрон бўлган Александр Парменионга хўмрайди.

— Ё тангрим! Форслар тун бўйи бехосдан бўладиган ҳужумни кутиб, кечаси билан сафда тик туриб чиқсин.

У бурилди ва тепалик ёнбағридан пастга, қароргоҳга қараб тез йўл олди. Гетайралар — «подшо ўртоқлари» — ҳукмдор орқасидан зўрға етиб юришарди. Парменионнинг ўғли, пахмоқ, айиққа ўхшаган баҳодир Филота отаси ёнида қолди. Чол ўйларди: «Форслар тун бўйи бехосдан бўладиган ҳужумни кутиб, кечаси билан сафда тик туриб чиқсин». Афина-Паллада! Унинг, Парменион — шоҳ Филиппнинг дўсти, машҳур жангчининг наҳот шу фикрга аввалроқ ақли етмади? Ҳа, форслар Александрдан қўрқадди, биринчи бўлиб ҳужум қила олмайди, тагин шундай зим-зиё тунда. Бехосдан бериладиган зарбани қайтариш учун тонг отгунча сафда типпа-тик туришади, уйқусизликдан толиқиб, сохта ваҳимадан қўшга қўшилган ҳўкиздай тинкаси қурийди, эрталаб чарчоқдан оёқлари чалишиб кетаётган бир пайтда тетик, яхши дам олган Александр аскарлари тепаликдан форслар устига босиб тушади-ю, барини яқсон қилиб, водий тупроғига қориштиради... Қандай жўн-у, қандай улугвор режа!

Бундай воқеа биринчи марта бўлаётгани йўқ.

Масалан, Граникда чол Александрдан жанни кейинга қолдиришни сўраб қаттиқ ёлворди. Душман тепаликни эгаллаган, македонияликлар эса ботқоқ олдидаги пастликда турарди. Парменион ботқоққа ботиб қолишдан қўрқарди. Лекин подшо унга қулоқ солмади. «Наҳотки,— деди Филипп ўғли,— Гелеспонтдан шундай осон ўтсаму шу ғариб дарёча олдида тўхтаб қолсам?!» У олға ташланди ва душманни тор-мор келтирди.

Финикияликларнинг форслар қўлидаги Тир шаҳри таслим бўлгандан кейин Доро Филипп ўғлига дўстлик, Евфрат дарёсидан ғарбдаги, Эгей денгизигача бўлган бутун мулкани, Исса яқинида македонларга асир тушган оиласини қутқариш учун эса ўн минг талант¹ ва ўз қизларидан бирини хотинликка олишни таклиф қилди. «Мен Александр бўлганимда,— деган эди ўшанда Парменион,— шу шартларнинг ҳаммасини қабул қилардим.» Ҳа,— жавоб берган эди лаънати ўспирин,— Парменион бўлганимда форс подшоси таклиф қилган нарсаларга мен ҳам рози бўлардим. Лекин мен Александр бўлганим учун Доро қўйган шартлар қаноатлантира олмайди. Бутун давлатни босиб олишга кучим етгандан кейин ярим давлатни олиб нима қиламан? Менга унинг пули нима керак, шундоқ ҳам ўзимда ошиб-тошиб ётган бўлса. Доронинг битта қизини оламанми ёки бир йўла иккаласиними, ундан сўрамай уйланавераман, ахир улар менинг қўлимда-ку».

«Ҳа, Александр ақлли, жасур ва зийрак,— қайғуриб уйлади кекса лашкарбоши.— У қартайган эшак Пармениондан минг карра ақлли». Аммо бундай хулоса сочлари оқарган кекса македонни мутлақо қаноатлантирмади, аксинча унинг ҳасадгўй кўнглини хира қилиб, қаршилик тўлқинларини уйғотди.

— Муҳтарам ҳукмдоримиз, ер ютсин уни, жуда ҳаддидан ошиб кетди,— деди чол ўғлига, улар ёнбағирдан тушиб, қароргоҳ томон юрганларида. Филота индамай бош ирғади.— Бу ютуқлар учун сен билан мендан миннатдор бўлиш ўрнига,— давом эттирди сўзини Парменион,— ҳовлиқиб, бошини йўқотиб қўйди. У ҳақиқатан ҳам ўзини тангри Аммон ўғли деб тасаввур қиляпти шекилли.

¹ Талант — қадимги Эллада ва Қадимги Шарқда энг йирик пул ўлчови, 1500 олтин сўмга тўғри келади.

Фило́та унга бош ирғаб қўйди. У отасини жуда севар, шунинг учун доим унинг фикрига қўшиларди: — Унинг илоҳий шохларини синдириш вақти келмадимикин? — шивирлади Парменион ва гулхан ёнида ётган одамларга кўз қирини ташлади.

— Курамиз... — деди Фило́та хириллаб, — жангчилар орасида норозилар кўп. Юришлардан ҳамма чарчаган. Аполлон гувоҳ, ҳали унинг охири кўринмайди. Тунда чодирга кирилса-да, бир-икки зарб... иш тамом. — Фило́та семиз, жундор бармоқларини ёзди-ю, ўша ондаёқ, ҳайбатли мушт қилиб тугди ва кесиб олинган каллани сочидан ушлаб силкитаётгандай юқори кўтарди.

Подшо чодирни олдида Александрнинг бош шахсий қоровулларини: озғин, чайир Фердикка билан қоракўз, келишган Птолемайос Лагни кўрдилар. Фердикка ота ва ўғилга очиқдан-очиқ адоват билан назар ташлади, хушчақчақ Птолемайос Лаг эса тишининг оқини кўрсатиб шўхчан жилмайганча, қилич дастасида метон балиқчи қизлари рақси куйини чертарди.

Кечқурун, қисқа ҳарбий кенгашдан кейин чодирда Александр ёлғиз қолди. У юмшоқ гиламга чўзилди, бу гиламни Гордия аҳолиси — жанговар арава шотисидаги қадимий Фригия подшоси туккан тугунни кўрсатган ўша гордияликлар совға қилишган эди. «Қим шу тугунни ечса, — дейилади ривоятда, — бутун Осиёга ҳоким бўлади». Филипп ўғли узоқ ўйлаб ўтирмай уни қилич билан кесиб ташлади. Бу воқеа ҳақидаги хотира подшони хурсанд қилди. Ҳа, қилич гофиллар мамлакатининг калити! Александр серпай қўлларининг бақувват кафтларига бошини қўйди-да, жилмайди.

Оғир қадам босиб камгап Фердикка пайдо бўлди. Подшонинг бошқа жирканч сафдошлари орасида шугина беғараз эди. Фердикка ҳамишагидай дағал хитонга ўраниб, белига мис балдоғу зеб-зийнатлар қалмаган, анча эски камар боғлаб, атайлаб қилгандай оёғига оҳори тўкилган кўримсиз бошмоқ кийиб юрарди. Унинг кўриниши бефаҳм ва қўполга ўхшарди, аммо биринчи шахсий қўриқчисининг қанчалик ақлли ва зийраклигини фақат Александр биларди. Хусусан ақли ва беғаразлиги учун подшо Фердикка-

га ўзига ишонгандай ишонарди. Бунақаси хиёнат қилмайди. Фердикка фақат ўзлари учун аҳамиятли бўлган арзимас майлу иштиёқлар учун бир-бирларини таъқиб қиладиган майда одамчаларга нафрат билан қарайди. У фақат Александрни севади, чунки ёш подшо дунёда бекор яшамаяпти, унга ёрдам берса арзийди деб ҳисоблайди.

Кун ботгандан кейин қўзғалган шамол чодир попуқларини юлқилар ва матони елкан сингари шиширар эди.

— Урта пиёдадан юнон келибди,— деб пўнғиллади Фердикка.— Ёнингга кирмоқчи.

— Нега?

Фердикка мўйловини ялаб турди-да, кейин жирканганнамо деди:

— Хуфия маълумот.

— У?— Александр тирсагига суянди-да, гулдор шарқ кўрпаси билан яланғоч кўксини ёпди.— Чақир!

Дракил кўринди. Унинг юм-юмалоқ, айёрлик балқиб турган семиз юзлари ялтираб турарди. У олдинга уч қадам қўйди-да, ҳеч бир юнон ёки македон қилмайдиган ишни қилди — подшо олдида тиз чўкди. Бу Филипп зурёдига жуда ёқарди. У илтифот билан Дракилга бош ирғади.

— Сўзла!

— Урта пиёданинг қирқ тўртинчи кичик юнон бўлишмаси бошлиғи Феаген ёш жангчилар орасида сенинг наслу пасабинг тўғрисида миш-миш тарқатиб юрибди. У айтадики, сенинг отанг Филипп эмасмиш, гўёки сен аллақандай (айтишга тилим бормайди...) ёлланма фракияликдан туғилган эмишсан... Сени у (оғизга олиш ҳам даҳшат!) тангри Аммон ўғли эмас, йўлтўсар ўғри деб атади. Бундан ташқари яна кўп номаъқул гапларни гапирди.

Дракил жим бўлди ва тепакал бошини қуйи эгди. Гирди қора соч билан қопланган бошининг тақир жойи тозаланган мис қозоннинг тубига ўхшарди.

— Эшитдингми, Фердикка?— сўради подшо шахсий қўриқчисидан.

— Ҳа,— қисқа жавоб берди Фердикка.

— Уша Феагенни менинг олдимга судраб кел. Сен бўлса, отинг нимаиди... Дракилми? Ўзим чақирмагунча манави парда орқасида бекиниб тур.

Савдогар итоаткорона яширинди. Александрнинг афтидаги ифода ўзгармади, у бепарво жилмаярди.

Умр бўйи уни фитначилар қуршаб келарди, ҳеч ким хиёнат қилади деб ўйламаган, аммо зиёфат маҳали кутилмаганда Филиппни ўлдирган аслзода йигит — Павсинийни эслади. Бирмунча вақт ўтгандан кейин лашкарбоши Аттал жангчиларни унга қарши кўтаришига сал қолди. Ҳатто Александр Кичик Осиёни забт этиб, Сурия остонасигача етиб бориб, Элладада тинчлик ўрнатгандай кўринса ҳам, исёнкор Афина Дорога элчилар юборди.

«Итдан туққанлар,— беғараз сўкинди Александр ичида. Нафратланишга муносиб одамлар унинг газабини келтирмас эди.— Улар нима истайди? Нима учун ўзларини бекорга қурбон қилишади? Мени ҳатто чақишга ожизлик қилиб, оёғим остида сувилондай жилпанглашади. Товоним остида эзилиб, худди сувилондай ўлиб кетишади. Наҳотки улар мени — тангри Аммон ўғлини тўхтатиш, йўлдан қайтариш мумкин деб ўйлашса?— Македон ҳайрон бўлиб елкасини қисди.— Қурт-қумурсқалар уюми. Уларни қирдим, қираман ҳам...»

У ўзига, ўз иқтидорига ва ҳеч қандай зарба ҳалок қила олмаслигига шунчалик ишонардики, ҳатто Дракилнинг хуфия хабари беш ёшли боланинг дағдағаси Гераклнинг қандай кулгисини қистатган бўлса унга шундай кулгили туюлди. Фердикка ранги бўздай оқариб кетган Феагенни чодирга олиб кирганда подшо ҳамон бояги ҳолатида, тирсагини гиламга тираганча ётарди.

— Александрга салом!— деди Феаген бўғиқ товуш билан. Дубулғасини қўлга олиб, амри фармон кутгандай ҳукмдорга қараб гурди.

— Феагенга салом,— жавоб берди Александр бепарво,— эшитишимча, менинг ҳақимда ёмон гаплар айтибсан. Тўғримми?

Феаген бир қадам орқага чекинди. Ҳаммаси аён, Дракил уни сотибди. Бош тортиш муносиб эмас.

— Тўғри,— тан олди Феаген; икки қошининг ўртаси тиришиб бирлашиб кетди.

— Нега бундай қилдинг?

— Узинг-чи?— Феаген энди бўлар иш бўлганини билар эди.— Бу қилмишларни нега қилдинг?

— У-ў!— Александр қаддини кўтариб, ўтириб олди ва Феагенга тикилиб қолди.— Наҳотки сени бирор нарса билан ранжитган бўлсам?

— Ранжитдинг.

— Нима билан?

Феаген қўл ҳаракати билан ўзининг дубулғаси ва сипарига ишора қилди.

— Жангда сенга қийинми?— қуруққина сўради Александр.

— Қийин.

— Бошқалар шикоят қилмаяпти-ю. Осиёга кўй-лаксив келишган эди, энди ҳаммасининг тўрвасида олтин жиринглаб турибди.

— Меникида жиринглаётгани йўқ.

— Нима учун?

— Уғирлаш қўлимдан келмайди.

— Уғирлаш қўлингдан келмайдими?— Александрнинг қошлари саф олдидан ўтгандагидек кескинроқ қийшайди.— Нега ундай?

— Менинг ўзимни Ламах амаким шилиб, қоқлаган. Қанча овора бўлиб юрганман. Мен кимни қоқласам, у ҳам азобга қолади. Яхши эмас.

— Ҳа-а!— Подшо қаҳри келаётганини сездирмаслик учун лабини қимтиди.— Лекин бу ер Осиё-ку! Еввойиларни қоқлаш гуноҳ эмас.

— Бари бир улар ҳам одам.

— Қўриб турибманки, бориб турган тентак экансан!— пўнғиллади Александр жаҳл билан.— Жазирама Шарқ офтоби миянгга ёмон таъсир қилганга ўхшайди. Бунинг устига совут сенга оғирлик қилаётганга ўхшайди. Ечишга рухсат бераман. Енгил пиёдага ўтганинг яхши. Эртага ҳаммадан олдинда юриб, жангни бошлаб берасан. Далаларнинг салқин шамоли миянгни тозалайди, подшоҳинг тўғрисида булар-бўлмас гап тўқишни бас қиласан. Гапимни тушундингми?

— Ҳа,— деди қовоғи уюқ Феаген. Александр уни ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Пиёдалар олдида борадиган ва урушни бошлаб берадиган одам камдан-кам тирик қолади. Лаънати маҳмадона! Қим мажбур қилди гапир деб? Бугун шу беъмани гапларни гапирмаганинда ҳозир подшо қаршисида турмаган бўлардинг. Сичқон ерни кавлай-кавлай мушук олдидан чиққан экан. Македоннинг олдида паст келсамикин, ёлвориб шафқат сўрасамикин? Йўқ, Феаген Афина давлатининг озод туғилган граждани, унга ўз халқи ғурурини ерга уриш муносиб эмас. Марафонлик рўй берган воқеадан қанча афсусланмасин,

эсини йўқотиб, гангиб қолмади. Қовоги солиқ бўлса ҳам, кўринишидан хотиржам, буёғи нима бўлишини кута бошлади.

Александр Фердиккага ўгирилиб, бир печа оғиз чўзиқ, ғалати сўз айтди. Жаранглаши ва сўз қурилишига қараганда у юнон тилида гапирётгандай туюларди. Лекин македон тили фессаллар, эфирлар, фракияликлар тили билан аралашиб кетган, шунинг учун Феаген ҳеч нарса тушунмади. Александр ватанида уч йил яшаган Дракил эса, аксинча, ҳамма гапни тушунди.

— Мана, афиналиклар қанақа халқ!— деди Филипп ўғли.— Буларни Зевснинг ўзи ҳам ўзгартолмайди. Бу аблаҳни Балакр камончиларига қўшиб қўй. Эрталабки жангда бирор ёввойи уни ўқ-ей билан тинчитар балки.

— Ундай бўлмаса-чи?

— Унда, бахти борлиги бу юнонни,— Александр эснади,— ўлмай қолса — майли, яшайверсин. Мени ундан қўрқиб кетди деб ўйламаянсанми ишқилиб? Фитначига ўхшамайди. У шунчаки бир нодон.

Фердикка марафонликни ёқасидан тутди-да, чодирдан итқитиб юборди. Александр эса Дракилни чақирди. Савдогар яна гиламга чўкка тушди.

— Сен яхши иш қилдинг.— Александр бармоғидаги олтин узукни чиқарди-да, кучукка суяк ташлагандай Дракилнинг олдига ташлади.— Аскарларнинг гапларига қулоқ солиб юр, кейин уларни келиб менга айтасан. Сени Феаген ўрнига бўлинма бошлиғи қилиб тайинлайман. Энди жўна, уйқум келяпти.

Гавгамели томондан эшакнинг юракларни зириллатиб юборадиган кучли ханграши эшитилди. Шамол тўхтади. Тонг ёришди. Александр уйғонди ва Нарменионни чақириб келишни буюрди.

— Форслар қалай?

— Туш бўйи сафда туриб чиқишди,— деди Парменион ҳасад билан.— Ҳозир ҳам шундай туришибди.

— Яхши,— Александр сапчиб турди, суяклари қисирлаб керишди ва занг урди. Шахсий қуриқчилар ювиниш учун олтин жомда сув келтиришди.

Саҳардан бери водий узра ёйилиб турган туман кўтарилиб келаётган қуёш нурида аста-аста эриб

кетди. Доро лашкарига македонлар кузи тушди. Гавгамели билан таигри Аммон угли мустаҳкам эгаллаб олган қатор тепаликлар ораси осмоннинг ярмини қоплаб олган қора булут сингари қуролли одамлар билан тулиб кетган эди.

Доро ўз қуролли кучларини икки қатор қилиб сафга тизган эди: биринчи қатор — пиёдалар, иккинчиси ёрдамчи бўлинмалар эди. Биринчи сафнинг иккала қанотига отлиқ аскарлар жойлаштирилган. Бутун сафлардан олдинда турган филларнинг хартумлари илондай буралар, икки гилдиракли жанговар араваларнинг тиғлари ялтираб турарди. Подшо ва унинг мулозимлари жанговар сафлар ўртасидан жой эгаллаганди.

Бу ерга кўпгина Осиё қабилаларидан аскарлар тўпланган эди. Чап қанотда бақтрийлар, дах ва арахот чавандозлари кўзга ташланарди. Ёнма-ён отлиқ ва пиёда форс, элам ва кадусийлар турарди. Унг қанотда Жанубий Сурия, Фаластин ва Месопотамия отлиқлари, лидиялик, парфияликлар, шак, тапур, албанд, ҳинд, форсларга хизмат қилувчи ёлланма юнон ва мард ўқчилари ёйилиб турарди. Саф ўртасида бобилликлар, ситакенлар, укслар ҳамда Қизил денгиз соҳилларидан келган аскарлар тўлдирган эди. Бундан ташқари, Доро чап қанот олдига минглаб скиф чавандозларини чиқариб қўйганди. Арманистон ва Каппадокия отлиқлари эса унг қанот олдида эди.

Узун йўл-йўл чакмон, кенг-мўл тўн ва хитонлар, калта камзул ва оқ ятаклар, кулранг, қизил, зангори рўйпўш ва ёпинчиқлар, тўр этак ва зирҳли кийимлар, совут ва синарлар, салла ва мўйна телпаклар, учли кигиз қалпоқ ва мис дубулғалар — бари бир бўлиб шундай рангба-ранг, шундай ёрқин гиламга ўхшардики, унга қараганда кўз қамашиб кетарди.

Ун минглаб найзаларнинг ярқирашига қараб бўлмас эди. Қиличлар жаранглар, тўқима қалқонлар бўғиқ сас берар, қамчилар қарсиллар, отлар қаттиқ кишнарди.

Александр ўйлагандай душман аскарлари тунги бедорликдан чарчаган ва энди сафни бузиб чўнқайиб ўтиришар, тупроқда чўзилиб ётишар ёки от ва аравага суяниб ухлашар эди. Бир назар ташлашда бу галаларнинг ҳаммасини қамраб олиш қийин эди, осиеликларнинг ҳарбий кучлари икки ёнга шу қадар

чўзилиб кетгандики, чап ва ўнгдан кўтарилаётган чанг-тўзон орасида охирини кўриб бўлмасди.

Тепаликларда бурғулар чалинди. Македонияликлар қароргоҳи ҳаракатга келди. Александр кўзга ташланди. У машҳур Букефалнинг бўри терилари тўшалган биқинларини оёқлари билан қисиб, найзасини силкитарди. Бўри териси ҳидини сезган от олға юлқинарди. Подшонинг бошида шохли дубулға. Кўкрак ва елкасини Медуза Горгона сурати солинган яхлит сипар чирмаб олган эди. Сипардан белигача, шунингдек, олди ва орқасини мис тахтачалар шокиласи ўраб турар эди. Қизил хитонининг этаги тиззасига ҳам тушмасди. Қўли тирсагигача очиқ, елкаси оша калта, аммо кенг ёпинчиқ ҳилпираб турарди. Эллик минг оғиздан бир йўла:

— Александрга шарафлар!!!— хитоби янгради.

Бу шовқин форсларга ҳам эшитилди ва бирдан уларни оёққа турғизди. Александр қизишиб кетган отини жиловидан тортиб, қисқа-қисқа буйруқлар берарди. Уларни тез ва чаққон бажаришар, чунки нима қилиш кераклигини бошлиқлар кеча билиб олишган эди.

Александр ҳар қатори бир минг йигирма тўрт кишидан қилиб ўн олти қаторга тизилган ўн олти минг уч юз саксон тўрт оғир қуроли гоплит-жангчилар фалангаси (жипс мушт)ни лашкарнинг ўртасига жойлаштирганди. Пиёда аскарлар фалангаси жанг майдони бўйлаб (энига) икки минг қадам масофани эгаллаган. Олдинда бир киши, саф ичкарасига қараб тизилган ўн олти киши — лох, кичик бўлинмани ташкил этади. Энига ҳам, ичкарасига ҳам ўн олти кишидан (икки юз эллик олти киши) иборат бўлинма синтагмани ташкил этади. Ўн олти синтагмадан кичик фаланга, тўртта кичик фалангадан эса битта бош фаланга вужудга келади. Гоплитлар қўлларига узунлиги ўн икки тирсак келадиган найза — сарисса ва тўрт бурчак катта-катта қалқон кўтариб олишган эди. Бошларида кунгурасимон дубулға, ёнларида қилич осиглиқ.

Лашкарнинг ўнг қанотини совут кийган, сарисса пайзаси ва фракияча эгри махайра қиличи билан қуроланган гетайра — чавандозлар эгаллаган эди. Уларнинг юмалоқ бронза дубулғаларидаги от думи елкаларига осилиб турарди. Бу ерда саккизта гетайра, ёки ҳар бир илда олтмиш тўрт нафардан

жангчи бор эди. Уларга Парменионнинг ўгли Филота қўмондонлик қиларди.

Фаланга билан гетайралар бўлинмаси оралиғини ўрта пиёда қалқондорлари эгаллаган эди. Улар зиммасига жангда оғир отлиқлар ғалабасини таъминлаш юкланган эди. Сараланган гипаспистлар деб аталувчи бу жангчиларнинг қалқонларига кумуш қопланган эди. Қалқондорларни Парменионнинг иккинчи ўгли Никанор бошқарарди.

Чап қанотга эса Парменионнинг ўзи бошчилик қиларди. Бу ердан, гоплитлар фалангаси ёнидан Кратер бўлинмаси, Ларих ўгли Эригийнинг юнон пиёдалари, ундан кейин Менелай ўгли Филипп бошчилигидаги фессал ва юнонлардан тузилган ўрта отлиқ қўшилма жой олганди. Чап қанотнинг энг четиде ўрнашган кекса Парменион атрофини Форсал шаҳри жангчилари — энг моҳир фессал чавандозлари қуршаб олган эдилар.

Бутун ҳарбий тартибнинг олди ва ёнларини агриан қабиласидан бўлган, найза билан қуролланган фракцияликлар, пэонлар, Балакра ўқчилари (булар орасида Феаген ҳам бор), оёқ яланг камончи ва сопқончилар ҳамда енгил отлиқ бўлинмалари ўраб туришарди. Александр ўрта пиёда аскарларидан саккиз минг икки юз нафарини лашкарнинг орқасига жойлаштирди, мабодо форслар қўшинни қуршаб олишга уринадиган бўлса, улар душман ҳамласини қайтариши керак.

Шундай қилиб, агар осиеликлар ҳаммадан ҳам қўшин ўртасини мустаҳкамлаган бўлсалар, македонлар асосий зарба кучини — оғир отлиқ гетайраларни — ўнг қанотга жойлаштирдилар. Агар форс қўшинлари қанотини кенг ёйиб турган бургутга ўхшаса, македон қўшинлари тиғи ўнг ва олға қаратиб қўйилган ойболтани эслатарди. Отлиқ мушт билан ўнг томондан зарба бериш македонларнинг энг севимли жанговар усули эди, чунки душманнинг яхши мустаҳкамланмаган чап қанотига селдай ёпирилиб келишар ва бирдан унинг сафларини пароканда қилиб юборишарди.

«Эҳ, кекса донишманд! Кекса донишманд! — ўйларди Александр, болалигида ўзи қанча-қанча ташвиш орттирган мураббийси Арастуни хотирлаб, — ўйлайсанки, келажак одамлари мени Арастунинг ожиз шогирди деб атайдилар, Арасту абадий Александр-

дан юқори туради. Йўқ, файласуф, йўқ! Менга сенинг сиёсат, маънавият, этика, поэтика, ноғизлик, физика, табиатшунослигинг нима учун керак? Сен хужуджўй одамларнинг майда шаҳарлари тарафдоримисан? Сен буюк давлатлар, катта ва сершовқин шаҳарларга қаршимисан, савдо-сотик ва ҳунармандчиликка қаршимисан? Аксинча, мен, Александр буларга қарши эмасман! Сен мени ўқитдинг, хўш, ўқитган бўлсанг нима қилибди? Мен ҳаммасини аксинча қиламан, токи келажак одамлари мени афиналик олимнинг занжирбанд ити деб ҳисобламасинлар...»

Александр қўл силтади. Сибизға-бурғи янграй кетди. Қўшинлар тепаликни тарк этиб, чап қанот томондан ёйилиб, осиёликлар сари йўл олдилар. Александр ўз шахсий қўриқчилари билан ўнг қанотда, гетайралар яқинида турарди. Ун минглаб кўтариб-босилаётган оёқ остидан шунчалик чанг-тўзон кўтарилардики, осмон ҳам ер сингари сарғайиб кетди. Нафас олиш қийин эди.

Ғира-ширада текисликда ҳорғин силжиётган душман қўшинларини зийраклик билан кузатаётган Александр тасодифан Эрон қўшинлари кўлампдан унинг қўшинлари кўламп қисқароқ эканлигини сезиб қолди. У бирдан тушундики, бу ҳолат македонлар одати бўйича душманнинг чап қанотига кескин зарба беришига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, душман македонларни чапдан ҳам, ўнг қанотдан ҳам осонгина қуршаб олиши мумкин.

— Филота,— қичқирди подшо сал наридан ўтиб бораётган Парменион ўғлига,— ўнгга ол, ўнгга! Птолемайос, Парменионга айт, бизнинг ортимиздан поғона-поғона бўлиб ҳаракат қилсин.

Парменион ўғли отлиқларини ўнгга бурди. Форслар рақиб томон сафларида бўлаётган ўзгаришларни кўрди. Доро Кодомон ҳал қилувчи зарба учун қулай пайт келди деб ўйлади чоғи. Жанговар араваларни бошқариб турган жангчилар отларини қичаб қолди. Ҳаммаёғига қийшиқ ханжар ўрнатилган икки юз ўлим араваси олға учиб кетди. Улар ортидан вазмин ва гумбур-гумбур қадам ташлаб филлар югуриб борарди.

Юзлари қорайиб, озиб-тўзиб кетган Феаген бутун македон қўшинлари олдида турар, палахмошини шайлаганча кутарди. Унинг орқасидаги Балакра ўқчилари олдинга энгашганча қотиб қолишди. Феаген

ҳозир ҳамма нарсани унутган эди: марафонлик душманни кўрган заҳоти Дракил, чақув, Александр — ҳаммаси бирдан калласидан чиқиб кетди. Унинг яшагиси келарди. Улишни истамасанг, улдиришинг керак. Форслар аравалардан камон ўқлари ёмғирини ёғдиришарди. Юнонлар бронза ёй ўқларидан омон қолиш учун баравар ерга ётиб олишди. Биринчи арава тўғри Феаген устига учи келарди. У от ва одамларнинг иржайган тишларини аниқ кўра бошлаган эди. Ҳозир!... Феаген ирғиб турди, палахмонини айлантирди-да, қўрғошин зўлдир билан аравакашнинг манглайига солди. Аравакаш арава ўриндиғига ўтириб қоларкан, беихтиёр жиловини тортиб юборган эди, отлар бошқа томонга — келаётган йўлига кўндаланг томонга югуриб кетди. Форслар чопаётган отлар ҳаракатини тўғрилашга интилишарди, лекин пёонлар камон ўқи билан уларни тинчитишарди. Иккинчи арава биринчисига урилиб кетди, бошқалари эса бир жойга тўпланиб қолди.

Балакра ўқчилари, агриан, пёонлар араваларга ҳамма томондан ёпирилдилар. Аравалар шотисига, ўқига, отлар эгар-жабдуғига ўрнатилган темир ўроқлар яримьяланғоч ўқчиларнинг қўл ва оёқларини узиб кетар, вужудларини пора-пора қилар эди. Уларнинг эгик тиғидан қирмизи қон томчилари оқиб турарди. Ола-була хитон кийиб, чарм қалқон таққан серсоқол аравакашлар ғазаб ва қўрқувдан чинқирардилар. Чаққон фракцияликлар аравага чиқиб олар, аравакашларни калтаклар ва уларни эронликлар томон буриб қолардилар. Бари бир осиёликларнинг элликта жанговар араваси энгил пиёдаларнинг қалин сафларини ёриб ўтишга муяссар бўлди. Улар юнон фалангаларига ҳамла қилдилар. Кеча келишиб олингандай аскарлар чекиниб, йўл берди. Аравалар оғир пиёдалар биринчи қаторининг орқасига ўтиб кетди, лекин бу ерда турган қалқондорларнинг эҳтиёт қисми уларга ҳужум қилиб, тор-мор келтирди.

Филлар ҳужуми ҳам муваффақиятсиз чиқди. Улкан баҳайбат жониворлар энгил пиёда орасига кириб қолганда фракциялик ва элладаликлар қақроқ тепаликда кўкарган қамиш кучли шамол пайтида мавж уриб, тўлқинлангани сингари шовқин солиб ҳайқира бошладилар. Филлар оёғи остига миҳ қўқилган тахталарни ирғитдилар. Камончилар уларнинг кўзларига отар, устидаги тахтиравонда ўтир-

ган ҳайдовчиларни ўлдирар эдилар. Инсонлар ва филлар олишуви, худолар билан титанлар¹ ўртасидаги афсонавий жангларни эслатарди. Баъзи бировлар айёрлик қилиб ўрмонлар ўғлонининг серажин ёнбошига тортилган қайишларни кесиб юборар, устидаги камончи тахтиравон билан бирга олишаётганлар бошига гумбурлаб ағдарилиб тушарди. Ниҳоят филлар ўлган ва ярадор бўлган филбонларни меҳр билан кўтариб олишди-да, бурилиб орқага югуриб кетишди. Шунда форслар тўс-тўполондан фойдаланиб, биринчи сафдаги бутун қўшинларини олға ташладилар.

Унг қанотда скифлар билан македонларнинг енгил отлиқлари ўртасида шиддатли жанг бошланиб кетди. Скифлар, дахлар, бақтрий ва араходлар тез ва эпчиллик билан ёй отар, македонларни отдан уриб туширар, лекин шундан кейин ханжар билан ҳимояланиб, орқага чекинардилар. Чап қанот билан форс қўшинлари маркази орасида бўшлиқ ҳосил бўлди. Александр шуни кутиб турган эди.

— Филота, бўёққа кел!— даҳшатли овоз билан қичқирди у. Яшин чақнагандай, идроки ёришиб кетди. Шу қисқагина муддат ичида, даҳо шуъласи ярқ этиб ўтгунча, Александр бутун жанг майдонини, катта ва кичик бўлинмалар ҳаракатини фикран кўришга улгурди, деярли ҳар бир форс ва юнон аскарни кўзига назар солди. Ҳаяжондан унинг бошидан-оёғигача титраб кетди. Кўпикланган тўлқинлар узра парвоз қилаётган ёш лочиндай, ўзининг буюк, енгилмас кучига бўлган чексиз ишонч бутун вужудини қамраб олди. У етиб келган Филотанинг елкасидан ушлади-да, бир силтаб ханжарни қинидан суғиргандай қисқа ва жарангдор товуш билан қичқирди.

— Пона!..

Гетайралар тезлик билан қайта сафланди. Пона сингари уч бурчак бошида Александрнинг ўзи турарди. Жанглар суронини кескин бурғулар садоси босиб кетди. Минглаб қалқонлар қасирғаси янгради, македонлар душман кўнглига таҳлика солиш учун найзаларни қалқонларига уришган эди. Минглаб оғизлардан бор овозлари билан пэонларнинг Арес Эниалий шарафига тантанали қўшиқлари жаранглади. Минг-

¹ Қадимги грек афсоналарида худолар билан курашган баҳайбат баҳодирлар.

лаб одамлар қалбини бирдамлик туйғуси қамраб олди. Минглаб кўзлардан ҳайрат ёшлари отилиб чиқди.

Александр сарисса дастасини жон-жаҳди билан чангаллаганча энгашди, гўё ҳамма нарсани зарҳал дубулғасининг эгри шохи билан супуриб ташламоққа қасд қилгандай бошини олдинга эгиб, эронийлар сафида ҳосил бўлган бўшлиқ сари ташланди. Унинг ортидан гетайралар булутдай ёпирилиб эргашди. Чап қанотда форсларга македонларнинг оғир отлиқлари туташ саф билан зарба берарди. Эллик минг юнон-македонлар билан турли қабиладан чиққан юз минг осиелик жангга, қонли жангга — Эрон подшолиги тақдирини ҳал қиладиган сўнгги жангга кирдилар.

Унгдан бошида Александр турган «пона»га қарши бақтрияликлар, дахлар ва ара хотлар ҳужумга ташландилар. Чапдан Эрон шоҳининг «ўлмас» шахсий қуриқчилари, мидияликлар, ҳиндлар, мард камончилари, Дорога хизмат қилувчи юнон-карийлар селдай бостириб келдилар. Олдиндан македон «пона»сига ситакенлар, укслар ва Қизил денгиз соҳилларида келган аскарлар қарши қўйилган эди. Буларнинг ҳаммаси қаҳрамон халқ, лекин тун бўйи ухламаганидан бугунги жангга одатдагидай ғайрат-шижоат кўрсатолмади.

Александр ёвуқдаги форсга ташланди ва сарисса-сининг ўткир учи билан унинг юзига урди. Қизил қонига бўялган осиелик қутуриб сакраётган отлар туёғи остига қулади. Йўл-йўл кийимли бўйдор форс шеригининг кўзи олдинга ташланаётган македон подшо-сининг кўзи билан тўқнашди. Эроний юноннинг дубулғасига кўз ташлади. Александр дубулғасининг икки ёнида иккита катта-катта, эгри, мертик шох — мисрликлар қўй қиёфасида тасвирлаган қуёш худоси Аммонга қариндошлик белгиси бор эди. Форс бирдан бўзарди ва орқага ташланди. Урушаётганлар сафлари узра:

— Зулқарнайн! — деган фарёд шовиллаб ўтди.

— У шу ерда! — ғурурланиб қичқирди Филипп ўғли. Осиеликлар унга Искандар Зулқарнайн — Икки шохли Искандар деб лақаб қўйганларини эшитган эди.

— Искандар Зулқарнайн! — қичқирарди осиеликлар. Қўрқоқлар от бошини буриб, қочиб қолишди. Жасур йигитлар ё ўлиш, ёки уч ярим йилдан бери дунёни безовта қилиб уруш олиб бораётган лаънати